Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 63 (10.312).

1992 йил 7 апрель сешанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

МЎЛ ҲОСИЛ ТАШВИШИДА

ПАРКЕНТ ноҳиясидаги «Самсарак» шўро хўжалиги янги ташкил топган хўжаликлардандир.

Бу йил хўжалик меҳнаткашлари 1250 тонна узум, 600 тонна мева ва 400 тонна ғалла етиштиришга аҳд қилишган. Кузда экилган ғаллалар униб чиқиб авж олиб ўсмоқда. Шунингдек, мевали дарахтларга шакл бериш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Узумзорлардаги сўрилар қайта кўздан кечирилиб, айримлари таъмирланди.

Чорвадорлар ҳам қиш мавсумини муваффақиятли якунлашмоқда. Улар бу йил давлатга 295 тонна сут ва 22 тонна гўшт топшириш ниятидалар. Бунинг учун илғор молбоқарлар Асқар Шоҳотамов ва Ниёз Серкабоевлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти.

Илғор сут соғувчилар Марзия Ризаева ва Тўйғул Нушбоевалар ҳар бир соғин сигирдан кунига 10—11 килограммдан, йил давомида эса 4200 килограммдан сут соғиб олишга бел боғлаганлар.

П. ЭРГАШЕВ.

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ (Ўз мухбиримиздан). Кўкламнинг дастлабки кунлариданоқ деҳқонлар далага отланишди. Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигининг Эргашали Асроқулов бошчилик қилаётган бригадаси заҳматкашларининг ҳам мақсадлари юксак. Улар иссиқхонада етиштирилган эртаги карам кўчатларини 4 гектар майдонга экиб бўлишди. Бугунги кунда 300 мингга яқин карам ниҳоллари қаддини тиклаб олмоқда. 22 тоннадан ошириб ҳосил олиш ниятида меҳнат қилаётган Усмонали Ҳожиматов, Шокир Ҳамроқулов, Зуҳра Эгамбердиева, Шуҳрат Асроқулов сингари пудратчилар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, меҳнат қилишяпти.

Маккажўхори экиб бўлинди

● **БЕКОБОД районидаги «Авангард» давлат хўжалиги 2-бригада аъзолари қисқа муддатда 27 гектар ерга маккажўхорини сифатли қилиб экишди. Улар ҳар гектар ердан 35 центнердан дон, 100 центнердан кўкпоя олиш ниятидалар. Суратларда: (юқорида чапда) механик ҳайдовчи Муҳаммад Эргашев; экиш пайти; (пастда) пудратчи Аҳмаджон Йўлдошев, ишчилардан Охунжон Абдураҳимов ва Абдуллажон Муйдиновлар.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1992 йил мартида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон республикасининг Ҳукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасита расмий ташриф буюрган эди. Ташриф чоғида бир қанча ҳужжатлар имзоланганди. Улар орасида ахборот айирбошлаш ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — ЎзА билан ХХРнинг давлат ахборот агентлиги — Синхуа ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Банклараро битим, Фан-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги, Темир йўл, Автомобиль ва денгиз транспорти, Қишлоқ хўжалиги, Маданият, Таълим, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик, спорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида ва бошқа битимлар бор эди.

Ўтган ойда яна бир муҳим воқеа рўй берди: Тошкентда биринчи ажнабий элчихона очилди. У Америка Қўшма Штатларининг ваколатхонаси эди. Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги бош консулхонаси элчихона мақомига кўтарилди.

Ўзбекистон республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга қўшилганидан кейин биринчи марта Ўзбекистон делегацияси мазкур кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг ишида қатнашди.

Март ойида Туркия Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва Сурия Ташқи ишлар вазири Форуқ Ал-Шараа Ўзбекистон республикасига расмий ташриф буюрдилар. Социал-демократик партиялар халқаро бирлашмасининг Вице-президенти Х.-Й. Фогел, АҚШ давлат котибининг алоҳида топшириқларини бажарувчи элчи Н. Салго, АҚШ халқаро департаменти МДҲ ишлари билан шуғулланувчи бошқармаси директори Л. Наппер, ГФРнинг Москвадаги элчихонаси делегацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш маълумотчилари миссияси республикага келиб кетди. Туркиянинг Ўзбекистон республикасидаги элчиси Волкан Чотур ва ҲХРнинг муваққат ишлар вакили Ли Чженьҳуа Тошкентга етиб келдилар.

1992 йил 3 апрелга қадар 105 та мамлакат Ўзбекистон республикасини мустақил давлат сифатида расмий равишда тан олди.

Шу кунгача Ўзбекистон республикаси 27 та давлат: Австралия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Вьетнам, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, КХДР, Корея республикаси, Малайзия, Мексика, Монголия, Янги Зеландия, Польша, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, ГФР, Япония билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади.

Ташқи ишлар вазирлигида март ойида Буюк Британия ва Туркиядан келган беш нафар ажнабий мухбир қабул этилди.

Ўтган ойда Ўзбекистон республикасининг 13 та давлат ва ҳукумат делегацияси ХХР, Ҳиндистон, Бельгия, Япония, Туркия, Финляндия, АҚШ, Франция, Англия, Венгрия, Швейцария, Германияга бориб келди.

1 мартдан 31 мартгача расмий ва ҳукумат делегациялари таркибида ҳаммаси бўлиб 119 киши 17 та мамлакатга сафар қилди.

Турли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари йўли билан март ойида 741 киши Ўзбекистондан 35 та мамлакатга борди

Март ойида сал кам 3,5 минг ажнабий фуқаро Ўзбекистонга келиб кетди. Улар орасида турли делегацияларнинг аъзолари, дипломатлар, ишбилармонлар, мутахассислар, мухбирлар, саёҳатчилар бор эди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Оҳангарон район Кенгашининг навбатдаги семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унга райондаги барча бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, тафтиш комиссия аъзолари ва фаоллар таклиф этилди.

Партия ташкилотларининг шу кундаги вазифалари ва мафкура ишини яхшилаш семинар ишининг асосий мавзуси қилиб олинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби Э. Худойбердиев семинар қатнашчиларига Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳида бўлиб ўтган республика, район, шаҳар партия ташкилотлари биринчи котибларининг семинар Кенгашида ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги пленумида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот берди. Жумладан, шу пленумда сўзга чиққан И. А. Каримов ўртага ташлаган вазифалар ҳақида ҳам тўхталди.

Йиғилишда сўзга чиққан янги саноат комплекси, «Оҳангарон» Давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилотлари котиблари М. Юнусов, К. Хидировлар меҳнаткашлар ва аҳоли ўртасида мафкура ишларини жонлантириш Халқ демократик партиясининг ҳозирги асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, семинар кенгашда бошланғич партия ташкилотларида янги партия билетларини олишга тайёргарликнинг бориши, янги аъзоларни қабул қилиш, собиқ КПСС аъзолари билан суҳбатлар уюштириш, диний масалалар ҳамда партия бадалларини йиғиб топшириш тўғрисида ҳам атрофлича фикрлашиб олинди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН ЧАКАНА НАРХЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Шу йил 7 апрелдан бошлаб республикада озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига янги чекланган чакана нархлар жорий этилади: қолипда пиширилган нон (оқ, қора ва жавдар нон) — 1 килограмми 3 сўм, ун — 3 сўм 50 тийин, макарон — 6 сўм, гуруч — 6 сўм, чой— 50 сўм, биринчи категориядаги барча турдаги гўштнинг биринчи нави — 45 сўм, ёғи олинмаган (ёғлилиги 3,2 фоиз) сут — 2 сўм 50 тийин, 25 фоиз ёғли сметана — 36 сўм, тухум (10 донаси)—15 сўм, қанд-шакар — 8 сўм, ўсимлик ёғи — 5 сўм, кир совуни — 1 сўм. Айни пайтда ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва совун нархи сақлаб қолинди.

Республика ҳукумати бир қанча жиддий объектив сабаблар туфайли ноиложликдан шу чора-тадбирни қабул қилди.

Биринчидан, кўп марта таъкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг тузилиши ҳали ҳам хом ашё етиштиришга йўналтирилган, шу сабабли республика аҳолисини таъминлаш учун халқ истеъмоли молларининг 60 фоиздан кўпроғини, шу жумладан доннинг 80 фоизга яқин қисмини, гўшт ва сут маҳсулотларининг 55 фоизини, қанд-шакарнинг 100 фоизини ва бошқа маҳсулотларни четдан келтирмоқда. Ана шу ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари МДҲ мамлакатларидан ва ҳориждан шартномавий бозор нархларида сотиб олинмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда республикага гўшт ҳар килограмми 90—100 сўм, шакар — 30—35 сўм, тухум — 10 донаси 20 сўм, четдан олинаётган буғдойдан тортилган ун — 18—23 сўм, гуруч — 9 сўм нарх билан келтирилмоқда ва ҳоказо.

Иккинчидан, аҳолига молларни сотишнинг талонли ва купонли тизими билан ички бозор ҳимоя қилинаётганига қарамай, бундай моллар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамон Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетилмоқда, бундай маҳсулотларнинг нархи қўшни республикаларда биздагига нисбатан қимматроқ.

Учинчидан, бозор муносабатлари шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун республикага келтириладиган хом ашё, машина-ускуналар, материаллар ва техника нархи ўнлаб марта ошди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаражатлари муттасил кўпайиб бормоқда, бу эса республика бюджетидан ёрдам тарисасида қайта-қайта пул ажратишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ҳозир ана шу ошиб кетган ҳаражатлар анча қопланишини таъминламоқда. Масалан, аҳолига талонлар орқали сотилаётган ҳар килограмм гўшт учун республика бюджетидан 50 сўм, шакар учун — 32 сўм, тухум учун— 10 донасига 5 сўм, ун учун — 15—20 сўм ва гуруч учун 3 сўм пул ажратиляпти.

Бироқ бюджет камомади поёнсиз ва чексиз бўлиши мумкин эмас. Юқорида айтилган ва бошқа сабаблар туфайли чекланган янги чакана нархлари жорий этишга мажбур бўлинган шароитда ҳам бу нархлар Ўзбекистонда бошқа республикалардагига нисбатан анча арзонроқ бўлиб қолаверади, буни қуйида келтирилган жадвалдан кўриш мумкин.

Республика Олий Кенгаши III сессияси томонидан тасдиқланган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий қоидаларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 мартдаги маълум Фармонида кўзда тутилганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашнинг олдиндан белгиланган чоралари жорий этилганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Ана шу Фармонга мувофиқ белгилаб қўйилган даромад оладиган 1,8 миллион кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 1,7 баравар кўпайтирилди, бунинг учун 13 миллиард сўмдан кўпроқ пул талаб қилинади. Айни пайтда иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори оширилиб, 350 сўмдан 550 сўмга етказилди. Бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлаш шунга мувофиқ равишда кўпайишига олиб боради.

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари пенсияларининг энг кам миқдори икки баравар ошди. 2,4 миллион пенсионерга тегин ҳам кўпроқ миқдордаги пенсия тўлаш учун жами салкам 5 миллиард сўм ажратилди. Талабалар ва ўқувчи ёшларга ижтимоий мадад бериш юзасидан қўшимча чоралар кўрилди. Уларга имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойда тўланадиган қўшимча пул миқдори ҳамда талабалар ошхоналарида овқат қийматининг 50 фоизини тўлаш тартибини сақлаб қолиш билан бирга стипендиялар 1,5 баравар оширилди.

Республика ҳукумати аҳоли турмуш даражасини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари нархини барқарорлаштириш юзасидан бундан буён ҳам имкони бўлган барча чораларни кўраверади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ АЙРИМ ШАҲАРЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ДАРАЖАСИ

(сўм ҳисобида)

Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ўлчов бирлиги	Тошкент ш. шу йил 7 апрелдан	Москва ш. шу йил 6 апрелгача	Алмаота ш. шу йил 6 апрелгача	Бишкек ш. шу йил 6 апрелгача
Ун	кг	3—50 (ўрта ҳисобда)	13—00(*) (олий нав) 6—80 (1н)(*)	6—08 (о. н.) 5—54 (1н)	7—40 (о. н.) 4—50 (1н)
Олий нав ундан					
Оқ нон	кг	2—80	14—00(*)	3—15	4—00
1 нав ундан					
Оқ нон	кг	2—30	...	2—30	2—80
Жавдар унидан тайёрланган нон	кг	1—00	2—00(*)	1—80	2—50
Макарон	кг	6—00	14—00(*)	18—00(*)	26—00(*)
Гуруч	кг	6—00	16—00(*)	11—00	6—60(*)
Ўсимлик ёғи	кг	5—00	30—00(*)	9—00	16—00(*)
Чой	кг	50—00	190—00(*)	105—00	96—00(*)
Қанд-шакар	кг	8—00	70—00(*)	7—70	7—20
I категориядаги барча турдаги гўшт, I нав	кг	45—00	80—00(*)	46—00	49—00(*)
Тухум	10 дона	15—00	24—00(*)	16—50	12—00
Сут (қаймоғи олинмаган)	л.	2—50	15—00(*)	2—00	2—50
Кир совуни	дона	1—00	14—00(*)	3—00(*)	5—20(*)

(*) эркин нархлар.

• Чўпонлар ҳузурида

КЎЧБОЙ НИМА ДЕЙДИ?

БУ САФАР Кандирсойнинг ёқаларига жойлашган Бовуркўл, Жигаркўл ва Қилқурт яйловларига борганимда ҳам уни учрата олмадим. Бу ердагилар уни «Аччитош»га ўтиб кетган, дейишди. Ўша томонга йўл олдим, «Тамаки эккан»га ўтиб кетди, дедилар, у ерда «Муртаксойда» дедилар. Алҳол шу ердан топдим уни. Қаршимда яполдош, юзлари чайир, кўзларидан ўт чақнаб турган йигит, хўжаликнинг қўйчилик бўйича бригадири Кўчбой Холиқов турарди.

— Кеча қўнғироқ қилганингизда, балки идорада кутиб турган бўлардим, хийла овора бўлиб—сизда,— деди бригадир мен билан суҳбатлашиб, мақсадимни англагач.— Ҳай, майли, баҳонада яйловларимизни кўриб оласиз. У сутранг «НИВА»сининг эшикларини беркитди-да, мени муртаксойликларнинг отарларига бошлади. Йўл-йўлакай суҳбатимиз чорва қишлови, чўпонларга берилган имтиёзлар, чорванинг истиқболлари хусусида борди...

Собир Раҳимов номли шўро хўжалигининг фақат Кандирсой бўйларидаги яйловларида йигирмага яқин қўралар бор. Уларда 7000 бошдан кўпроқ қўйлар, шу жумладан 3200 бош совлиқлар боқилади. Кўчбой Холиқов йигирма йилдан буён кандирсойлик чўпонларга бригадирлик қилади.

— Бригадир бўлиб тайинланганимда, сойда атиги иккита отар бўлиб, уларда саккиз юздан сал кўпроқ қўй бор эди,— дея гап бошлади бригадир.— Мол жонивор яхши нарсада, парваришни ўрнига қўйсангиз йил сайин кўпаяверади. Арзимаган вақт ичида ўн олтинди. Нимаданидир андиша қилдими ёки гапиргиси келмадими, хуллас саволим жавобсиз қолди. Мен унинг кўзига тикилдим. Биласизми, кўзлар ҳам сўзлашади, топади, баъзан яширади ҳам. Кўзлар сўзлашганда, улар дилдаги гапларни ҳам бемонга кўтариб учадилар. Бригадир маъюс эди. Унинг дардини мен кўзларидан ўқиб олдим: 7 минг қўйга ўн минг гектар яйлов бор. Аҳолининг олти мингдан ортиқ моли ҳам шу яйловда боқилади. Мана чорванинг тараққиётига тўғаноқ бўлиб келаётган нарса. Ўн беш мингга яқин мол ҳар қандай яйловнинг ҳам ўтлоғидан бир ўтса бас, тошини чиқариб кетади. Шу сабабли Кандирсойда ўтлар охиригача ўсмайди, улар гуллаб, келгуси йил учун кўпаймайди, борлари ҳам тутиб отарни янгидан ташкил қилибмиз-а, бу орада гўштга топширилган қўйлар, хўжаликнинг ички имкониятлари учун сўйилган моллар, одамларга сотилган қўзилар, эҳ-ҳе, агар уларнинг ҳаммасини жамласакми, «ер юзи»ни қўй босиб кетарди, ҳа, гапимга ишонаверинг, қўй жонивор шунақа. Ҳозир етти минг қўйимиз, 3200 дан кўпроқ совлиқларимиз бор. Бу йил уларнинг сафига яна 3000 дан ортиқ қўзилар қўшилади. Бироқ...

— Нима «бироқ?»— сўрадим мен. Бригадир бироз ёқлар остида пайҳон бўлади. Бу ҳам етмагандай, ҳозир яйловларга ҳам баъзан учар деҳқонлар чанг солиб турибди, йўғон трубалар билан сув олиб чиқиб, пиёз, сабзи, бодринг ва помидорлар экишмоқда. Бунақада чорвани қўйтириб бўладими? Аммо Кўчбой ҳам бўш келадиганлардан эмас. Директорлар, зоотехниклар, муҳандислар билан олишаолиша, отарларнинг ҳаммасини электрлаштириб олди. Бугун ҳатто Тожикистонга чегарадош бўлган яйловларида ҳам электр чироқлари бор. Бу айниқса жун қирқимида асқотади.

— Оқ қўйлар яхши. Айниқса унинг жуни қиммат туради,— деди Кўчбой.— Чорванинг, чорвадорнинг асосий даромади ҳам шундан.

Ўтган йили 215 бош хисор қўйларидан сотиб олдик. Уларни кўпайтирамиз. Биласизми, унинг ҳар бири 190—200 килогача тош босиши мумкин. Албатта, 20—25 кило думбаси ҳам бўлади, ичидан ҳам 4—5 кило ёғ чиқади. Соатали чўпон боқаяпти уни. Абдиевлар сулоласидан... Дарвоқе, сулола, Кўчбой Холиқовнинг чорвадор сифатида қилган ишларидан яна бири яйловда чўпонлар сулолаларини таркиб топтирди. Бугун Кандирсой ёқаларида бир неча отарлардан ташкил топган Абдиевлар, Холиқовлар, Норбоевлар, Қанаевлар сулолалари қўй боқишади...

Чўпон учун қиш чилласининг илиқ кунлари жуда хавфли бўлади. Шунинг учун ҳам бригадир ташвиш билан барча отарларни назорат қилиб туради. Гап шундаки, илиқ кунларда ўтлар ўсиб қолади, қўйлар эса ўтларни чимдиб еганида моллар учун хавфли бўлган ичак қурти-манезознинг уруғларини ҳам еб юборишади, кўп ўтмай шикастланиб қолишади.

— Худо элнинг ризқини қиймас,— дейди Кўчбой.— Чўпонларимиз ўз касбининг устаси, қолаверса биринчи марта қўй боқаётганлари йўқ. Президентнинг чўпонларга енгиллик бериш тўғрисидаги фармони уларни суюнтириб, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди.

— Аммо кўчма саёдонинг ташкил этилмаганлиги тишга тегиб турибди,— дейди К. Холиқов.

Кўчбой билан қўраларни кезамиз. Ҳамма ерда тўл мавсуми уюшқоқлик билан якунланмоқда. Мен бригадир билан мулоқотимда унинг Оҳангаронинг энг тадбирли чорва бригадирларидан бири эканлигига ишондим. Ва имоним комил бўлдики, чорвачиликда эришган ютуқлари учун Кўчбой Холиқовга Меҳнат Қизил байроқ ордени, бир неча нишонлар, «НИВА» енгил автомобили бекорга мукофот тариқасида берилмаган экан.

Биз қирдан пастладик. Кун кеч бўляпти, ўтлоқларни қоплаган қўйларнинг маъраши то хўжалик марказига келгунча қулоқларимиздан кетмади...

Мўмин ҚАЮМОВ,
Оҳангарон ноҳияси.

• *Журналист ўйлари*

КЕЧАГИ «ЮТУҚ»ЛАРИМИЗ— БУГУНГИ МУАММОЛАР!

1. ЎҚИТУВЧИНИНГ ОБРЎСИ.

БИЗ етмиш йилдан ортиқ сохта тарғибот-ташвиқотлар билан яшадик. Турли қуруқ чақириқлару шиорларга зўр бердик: «Ленин ундоқ деган, Крупская бундоқ ёзган, дин афъюндир, коммунизмга қараб кетяпмиз»... Назаримда, куни кеча эришдик деб оғиз кўпиртириб санаб чиққан ютуқларимиз бугун энг оғир муаммоларни кўндаланг қўймоқда.

Узоққа бормай, ўрта таълим соҳасини олиб кўрайлик. Агар мактабларимиз мақтанганимиз каби бўлганда эди балоғатга етмаганлар билан ишлаш назоратчиларию махсус тарбия мактаблари, 14-17 ёшлилар учун мўлжалланган аҳлоқ тузатиш муассасаларига ҳожат қолмасди. Ёшларимизнинг ўқишга қизиқиши сустлиги ҳақида кўп гапирилади. Кўпчилик бу муаммони дарсликлар талаб даражасида эмаслигига, мактаб ва ота-оналарнинг ўзаро алоқалари ёмон йўлга қўйилганлигига, оврўпоча тарбия устунлик қилаётганлигига боғлайди. Тўғри! Лекин менинг назаримда, мактаб соҳаси муаммоларидаги ўзак, асосий сабаб ЎҚИТУВЧИ касбининг ОБРЎСИ жуда оёқости бўлиб кетганидадир. Ташқарини кўяверинг, ҳатто ўрта таълим соҳасидаги мутасаддиларнинг ўзлари ўқитувчини ҳурматламайдилар. Дейлик, 20-30 йил шу соҳада ишлаб, юзлаб ёшларга таълим-тарбия берган ўқитувчилар анчагина. Аммо мукофот, унвон тақсимотида улар кўпинча «эсдан чиқиб қолади»лару бошқа бир суянчиғи бор ёки кимдир ёғлироқ жойда ишлайдиган ёшлар, ўз касбини саёз билувчи чала муаллимлар мукофоту унвонга эга чиқадилар. Бу борада исботга ҳожат йўқ. Бу — айни ҳақиқат. Маъмуриятнинг кекса, иқтидорли, аммо чўрткесар ўқитувчиларга эътиборсизлиги эса янги иш бошлаганларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Мен бу мулоҳазани журналист эмас, балки собиқ ўқитувчи, собиқ ташкилотчи сифатида баён этмоқдаман.

Тўғри, кейинги бир ярим йил ичида Президент томонидан муаллимларга қатор ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Аммо тан олиш керакки, Президент Фармонларининг ижроси кўпинча қоғозда қолиб кетмоқда. Бу энди маҳаллий ҳокимиятлардаги тўраларнинг лоқайдлигидир. Фармоннинг айниқса, ўқитувчиларга уй-жойларни шахсий мулк қилиб бериш, уларни уй-жой, ер билан таъминлаш ҳақидаги бандлари жуда суст бажарилмоқда.

Кейинги вақтда мактаб соҳасида яна бир муаммо вужудга келди. Маълумки, бундан 10 йил олдин энг паст маошли соҳалардан бири — ўқитувчилик эди. Шу боисдан ҳам гарчи шу мутахассисликни битирган бўлса-да, айримлар дипломни «сандиққа ташлаб», бошқа йўналишда кун кўришни афзал билганди. Чунончи савдо, маиший хизмат, чайқовчилик каби даромадли «кўча»ларда изғиб юрган муаллимлар анчагина эди. Бироқ кейинроқ мактаб ўқитувчиларининг маоши оширилди. Шунда ўқитувчилик дипломи бўлган айрим сотувчи, чайқовчи, уй бекалари мактабга жойлаша бошлашди. Президентимиз Фармони чиққач, ўзининг ҳақиқий касбини эслаб қолганлар сони янада ортиб кетди. Энди кўз олдингизга келтиринг, уй юмушидан ортмаган ёки бозорма-бозор пул топиш йўлида юрган кимса дабдурустдан таълим-тарбия бермоқда. Бу ўринда изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Балки халқ таълимидаги мутасаддилар «Аттестация ўтказганмиз» дея эътироз билдиришар. Лекин аттестация мактабларда қай аҳволда ўтказилганлигини айтиб, уларни уялтирмаганимиз маъқул!..

Яна бир гап. Биз мактабда ўқиб юрганимизда ўқитувчиларимиз ҳатто соат тақишимизга йўл қўймасдилар. Мактаб формасидан бўлак кийимни кия олмасдик. Ҳозир-чи? 80-90 фоиз мактабларда ўқувчилар турли қимматбаҳо хориж кийимларида, қўлида соат, тилла узук, қизлар қулоғида гавҳар кўз зирак. Юз-кўзлари бўялган, пардоз-андозда юришади, ўзлари хон, кўланкалари девон! Яна бундай ўқувчилар оддийроқ, соддароқ кийинган муаллимни назарга илишмайди. Масхара қиладилар. Мактабга магнитофону беҳаё журналлар олиб келиш ўқувчилар орасида удумга айланган. Мактаб маъмуриятининг эса кўзи кўр, қулоғи кар!..

Юқорида айтганимиздек, одамларнинг «дарслар сифатсиз бўлиб кетган» деб нолишларида ҳам жон бор. Ахир, ўтилажак мавзунинг ўз моҳияти қолиб, таълимот бошқа ёққа қараб кетгач, дарсда сифат нима қилсин! Бу нарса айниқса, адабиёт, тарих, журфония дарсларида аччиқ кўзга ташланади. Биргина мисол: 8- (ҳозирги 9-) синфда «Фарҳод ва Ширин» достони ўтилади. Достон ҳазрати Алишер Навоий талқинида илоҳий муҳаббату инсоний жасорат ҳақида. Аммо достон мазмуни бир четга суриб қўйилиб, ўқувчилар онгига фақат «Навоийнинг байналмилал дўстликни куйлаганлиги» тиқиштирилади.

Ёки «Садди Искандарий» достони ҳақида тўхталиб, «Навоий рус халқини алоҳида муҳаббат билан тилга олган»лиги (Ўзбек адабиёти тарихи», 77-саҳифа) қайта-қайта уқтирилади.

Қисқаси, 4-синфдан 10-(11-) синфларгача бўлган адабиёт дастурлари билан сифатли дарслар ўтиш сира мумкин эмас.

Мактаб ёшдагиларнинг интизоми бўшашиб кетган деймиз. Бунга ўқитувчи обрўсининг пастлиги, сифатсиз дарслар билан бирга ўқитувчилар сафида эркакларнинг кундан-кун камайиб бораётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бу билан аёлларимизни камситмоқчи эмасман. Лекин аёл қайси касбда бўлмасин, барибир болага қайишади. Болалар эса кўпинча аёлнинг кўнгилчанлигини суиистеъмол қиладилар!..

1991/1992 — ўқув йилидан яхши ниятлар билан «Одобнома» фани ўқув режасига киритилди. Бироқ бу фан бўйича мутахассислар етарли эмас. Шунинг учун ҳам аксарият мактабларда кексароқ адабиёт, тарих муаллимлари «Одобнома»дан дарс ўтишмоқда. Аммо бу нарса ўқувчилар кўнглида шубҳа вужудга келтираяпти. Сабаби, ўша ўқитувчи бундан беш-ўн йил аввал замоннинг зайли билан худони инкор этиб, пайғамбарни телба деб дарс ўтган. Бугун эса «Бисмилло...»ни ўргатаётганлиги ўқувчига эриш туюлмоқда. Мен бу гапларни энди журналист сифатида айтаяпман. Негаки, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билан суҳбатларимда, улар айнан шу масалада мулоҳаза билдираяптилар. **«Ўқитувчимизнинг қайси гапига ишонайлик: олдингисигами ёки бугунгисигами?»** — деб сўрашади.

Бу ҳам таъбир жоиз бўлса, ўқитувчи обрўсига салбий таъсир қилмоқда. Шунингдек мактаб битирувчиларига олтин нишон тақсимотидаги, аттестатга баҳо қўйишдаги кўзбўямачиликлар ҳам ўқитувчининг обрўсини тупроққа қоримоқда. Тўғри, бунда бир-икки ўқитувчи айбдор. Аммо «Бирники — мингга, мингники — туманга!» дейди халқимиз.

Яна ўқитувчи обрўси билан боғлиқ бир муаммо. Айниқса, пойтахтдаги мактабларнинг деярли ҳаммасида ҳозир бекорчи ўсмирлар гуруҳи — «тафтишчи» (разборщик)лар вужудга келган. Яъни, беш-ўн нафар ўқувчи — ўсмирлар бир тўдага бирикиб, айрим бўшанғроқ болаларни қўрқитиб, пулини, соатини, кийимини олиб қўймоқдалар. Мактаб маъмурияти ҳам, балоғатга етмаганлар иши бўйича назоратчилар ҳам, участка вакиллари ҳам гўёки бехабар. Ҳатто сал «безорироқ» ўқувчининг олдида бўйнини сиқиб турадиган ўқитувчилар ҳам анчагина. Яқинда пойтахт Фрунзе ноҳиясидаги иккита мактабда айнан шундай ҳодиса рўй берди. Зўравонлар икки боланинг кийимларини ечиб олиб, яна **«бир неча шишадан ароқ-коньяк, минг сўм пул топиб келасан»**, деб қўрқитишган. Бундан хабар топиб, ички ишлар бўлимидан участка вакилини, балоғатга етмаганлар иши бўйича ўша ҳудуд назоратчисини ўзим бориб мактабга таклиф қилиб келдим. Участка вакили келгани йўқ. «Зўравон»ларни топтириб, директор хонасида суҳбат ўтказдим. Мени ажаблантиргани, назоратчи «гиқ» этмай, гўё томошабиндай ўтирибди. Бундайларнинг лоқайдлиги ўқитувчиларга қимматга тушиши аниқ!

Ушбуга хулоса ўрнида бир таклифни билдирмоқчиман:

Муаллимлик махсус ўрта, олий ўқув юртларида ўқитиш пуллик қилиб белгиланса. Ана шунда чин юракдан муаллимликка қизиққан одамгина ўқишга киради.

2. БОЛА БОШИДАН...

БИЗ кейинги вақтда ўрта таълим ҳақида кўп гапираяпмиз. Лекин негадир мактабгача тарбия масканлари хусусида мулоҳазалар кам билдирилмоқда. Ахир, бола йўргагу бешикдан кейинги тарбияни боғчада олади-ку! Мактаб ёшидагилар тарбияси оврўпочалашиб кетган, деймиз. Мактабни, видеони айблаймиз. Ваҳоланки, биргина пойтахт мисолида кўрадиган бўлсак, мактабгача тарбия масканларининг қарийб 500 тасида тарбия ишлари фақат ўрис тилида олиб борилади. Ўзбек тилидаги боғчалар сони 100 тага ё етади, ё етмайди. Шу ўринда ўзбек ва рус халқи тарбия анъаналарига бир назар солсак. Биз ота-она, ака-опамизни «Сиз»лаб гапирамиз. Ўрислар эса «Сенсирайди. Ҳожатхонага кириб-чиққач, биз албатта қўлимизни ювамиз. Уларда эса бу шарт эмас. Ўзбеклар ҳеч маҳалда ит билан бир дастурхондан таом емаган. Биз эллик ёшга кирсак-да, ота-онамиз ҳаёт бўлса, уларнинг раъйига қараб иш тутамиз. Ўрислар қўлига паспорт олгач, мустақил ҳисобланади. Биз касал кўргани нон кўтариб борамиз, улар эса гул олиб борадилар. Диний маросимларимиз ҳам турлича. Шундай бўлгач, мактабгача тарбия масканидаёқ оиласига ёт тарбияни олган бола мактабга боргач ғайри миллий ҳаракатлар қилса, нега ажабланамиз?

Кечқурун радиодан бериладиган эртакларга ҳеч эътибор қилганмисиз? Кўпинча, бошқа (насроний) халқлар эртаклари ўзбек тилида ўқилади. Яқинда арман эртаги эшиттирилди. Унда бир шаҳзода ва пари қизнинг ўзаро севгисию, фарзанд кўриши эртак қилинган. Энди эътироз туғилади: **хўш, ўзбек халқининг тарбиявий эртаклари йўқми?**

Аксарият мактабгача тарбия масканларини таъбир жоиз бўлса, чайқовчилар уяси деб атаган маъқул. Болалар бир четда қолиб, энагаю тарбиячилар «олди-сотди» билан шуғулланадилар. Бу етмагандек, айрим ота-оналарни ҳам «ҳамкасб» қилиб оладилар. (Афсуски бу иллат ҳозир мактабларда ҳам авж олган!).

Мақолага сўнгги сўз ўрнида айтиш мумкинки, бу яқин ўртада тарбия, таълим даргоҳларидаги муаммолар ўз ечимини топа олмаса керак. Бунда на ота-оналар, на болалар айбдор. Таълим-тарбия масканларидаги ислоҳни фақат янги дарслик яратиш билан белгилаш мумкин эмас. Балки энг аввало бу соҳада ишлаётган тарбиячию муаллимларнинг ўзини «элак-элак» қилиш керак. Токи бу муқаддас соҳани оддийгина касб деб билувчилар бошқа тирикчилигини қилсин. **Бу соҳада фақат фидойилар ишлашга ҳақли!**

Дилмурод САИДОВ.

ЭЪТИБОР СУСАЙМАЯПТИ

БУГУНГИ бозор иқтисодиёти шароитида республика Президентининг аҳолини уй-жой, қўшимча томорқа ҳамда шахсий чорвачилик хўжаликларига ёрдам бериш ва қишлоқ аҳолисини газ ва сув билан таъминлаш тўғрисидаги ва бошқа имтиёзлар берувчи Фармонлари бажарилишини тўлиқ таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини даврнинг ўзи исботлади. Зеро, бу биринчидан, қишлоқ жойларида ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшса, иккинчидан маълум маънода фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш имконини беради. Ҳар ҳолда бир парча ердан ҳам тадбиркор деҳқон самарали фойдаланади, чорвасидан сут-қатиқли бўлади, гўштнинг бир қисми ўзидан чиқади. Ана шунинг учун ҳам Чиноз районидаги Ленин номидаги қишлоқ шўросининг ижроия қўмитаси бу масалага алоҳида эътибор бермоқда.

Шу қишлоқ Шўроси раиси А. Қаршибоев мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Узоққа бормайлик, айрим фактларни келтирай. Қишлоқ шўроси ҳудудида С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳамда Т. Эрназаров номли давлат хўжалиги жойлашган. Шунингдек. «Олмазор» совхозининг иккинчи бўлими ҳам уларга тегишли. Жами 9 та йирик қишлоқ мавжуд. Аҳоли ҳам шунга яраша анча зич жойлашган. Қишлоқ шўроси юқоридаги хўжаликлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бормоқда.

Биргина С. Раҳимов номли жамоа хўжалигида 1990—1991 йилларда 252 кишига ер участкаси, 30 гектар майдон эса фуқароларга қўшимча томорқа сифатида берилганлигиёқ буни исботлаб турибди. Бугунги кунда Т. Эрназаров номли давлат хўжалигида ҳам аҳолига ер бериш масаласи ижобий ҳал этилмоқда. Ўтган даврда бу хўжаликда 110 оила уй-жой қуриш учун ер олди. 21 гектар ерда имконияти борлар қўшимча деҳқончилик қилишмоқда. Ерли бўлган киши қишлоқда чорва ушлаши табиий. Аммо ҳар ким бунинг уддасидан чиқавермайди. Аксинча, бундай оилаларга озгина мадад берсангиз, чорва хўжалиги учун ем-хашак ажратсангиз унинг туёғи кўпайиб, дастурхонга барака киради. С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги олиб ўтган йили фуқароларга 70 бош қўй, 800 бош парранда сотди. 2350 тонна кўклай озуқа, 200 тонна пичан ҳамда 3 тонна омухта ем аҳолига тарқатилди. Т. Эрназаров номли хўжаликда 158 бош қорамол аҳолига сотиш учун ажратилди. Ем-хашакни ҳам ёрдамчи хўжалигига эга бўлганлар етарли олишди. Очиғи, бу фактлар билан танишар экансиз, ушбу тажрибаларни ҳамма жойда тез-

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

роқ ёйилишини ва Президент фармонларига ана шундай амалий муносабат билдирилишини истаб қоласан киши.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қишлоқ шўросида энг асосий масала — ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида қилинаётган ишлар эътиборга лойиқ. 1991 йилда Навоий номли қишлоққа 2,5 километр масофага сув қувурлари тортилди. Газлаштириш ҳам қизғин. Бу иш 1993 йилда тўлиқ якунланиши лозим. Умуман ҳозиргача С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудида 5 километрдан ортиқ масофага газ қувурлари ўтказилди. «Учқун» қишлоғи аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Т. Эрназаров номли давлат хўжалиги билан ҳамкорлик қилиш ҳисобига шу йили «1 Май» қишлоғига газ ўтказиш ишларини бошлаш режаластирилмоқда. Қишлоқ шўроси ҳудудида ногиронлар, ночор оилалар, фахрийлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронлари, байналмилалчи жангчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий мадад бериш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларни тўлиқ амалга ошириш учун ички имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Маълумки, қишлоқдаги энг оғриқ нуқталардан бири халқ таълимидир. Айтиш мумкинки, бугунги кунда қишлоқлардаги мактабларнинг ҳақиқий эгаси йўқ. Халқ таълими бўлимлари хўжаликларга, хўжаликлар қишлоқ шўроларига солади бу ишни. Ленин қишлоқ шўроси мутасаддилари бу масаланинг йўлини топишга ҳаракат қилдилар. Юқоридаги ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда иш бошладилар. Барча кучларни бир мақсадга йўналтириш ўзининг ижобий самарасини берди. С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудида 35-сонли мактаб биносининг қурилишини бошлашга муваффақ бўлинди. Бу иш 1992 йилда ниҳоясига етиши керак. Бу лардан ташқари маҳалларда янги чойхона ва бошқа жамоат жойлари бунёд этилмоқда. Қишлоқ шўросининг саъи-ҳаракати билан 10 гектар майдон янги боғ яратиш учун ажратилди. Қурилиш материали танқислиги қишлоқда айниқса сезилмоқда. Нима қилиш керак? Дарҳол ички имкониятларни қидиришди. Шу бу йил қишлоқ шўроси ҳудудидаги ички ерларга 800 минг туп терак экишмоқчи.

Бизга қишлоқ шўросида амалга оширилаётган ва режалаштирилган яна бир қатор тадбирларни ҳам айтиб беришди. Энг муҳими бу ерда шароитдан, имкониятдан келиб чиқиб, ҳаракат қилинаётганлигидир.

• *Муҳарририятга келган жавоблар*

«ИШЛАСАЛАР-ТИШЛАСИНЛАР»

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», 26 ФЕВРАЛЬ 1992 ИЙЛ.

Рўзномамизда «Журналист муаммо кўтаради» рукни остида юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган мақола ўрганилиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигига юборилган эди.

Қўйида вазир ўринбосари Ж. Камолхўжаев имзоси билан келган жавоб хати эълон қилинмоқда:

«Рўзномангизда чоп этилган «Ишласалар-тишласинлар» мақоласи шу куннинг долзарб мавзуларидандир. Шунинг учун Ўзбекистон Жумҳурияти Ички Ишлар вазирлиги бу борада «Халқ сўзи», «Постда» ҳамда рус тилидаги бир қатор рўзномаларда ҳам ушбу масала юзасидан чиқишлар уюштирди.

Дайдиликни ўзига касб қилиб олган шахсларни даволаш ва қайта тарбиялашни йўлга қўйиш учун аввало Ички Ишлар вазирлиги ва Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида янги муолажагоҳлар ва ёпиқ кўринишдаги муассасалар ташкил қилиш ёки меҳнат билан тарбиялаш профилакторияларини қайта очиш зарурдир.

ИИВ томонидан 1989—91 йиллар мобайнида Министрлар Советига, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек Ўзбекистон Олий Кенгашининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот комиссиясига ўз асосига эга бўлган инсонпарварлик руҳидаги таклиф ва мулоҳазалар билан бир неча бор мурожаат этилди.

Ҳозирги кунда бу таклифлар улар томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Маълумки, 1992 йил 18 февралдан бошлаб республикамизда «Аҳолини иш билан банд қилиш ҳақида қонун» кучга кириб, у юқоридаги масалаларни ҳам ўз ичига олади (2-модда).

Шуни қайд этиш лозимки, жумҳуриятимиз ҳудудида тарбиялаш ва даволаш — меҳнат профилакторияларининг, шунингдек қариялар ва ногиронлар учун махсус уй-интернатларининг ёпилиши муносабати билан Ички Ишлар органлари дайдиларнинг шахси ва жиноят қилган-қилмаганликларини 30 кун муддат ичида аниқлаб, маҳаллий ҳокимиятларнинг ажратган иш жойлари бўйича белгиланган корхоналарга ишга юборадилар. Аммо иш юритишнинг ҳозирги шароитида кўп корхоналар ва муассасалар дайдилар меҳнатидан фойдаланишдан бутунлай бош тортмоқдалар.

Жорий йилнинг 4 мартида Ўзбекистон жумҳурияти Ички Ишлар вазирлиги ўзининг навбатдаги Раёсатида дайдиликка қарши курашнинг аҳволини муҳокама қилди ва тегишли чора-тадбирлар белгилади.

Улар орасида: меҳнат билан қайта тарбиялаш профилакторийсини қайтадан ташкил этиш, бунинг учун керакли маблағ билан таъминлаш, шунингдек ўтган йили Фароб, Қўқон, Жилга, Тошкент — Шимол темир йўл станцияларида дайдилик билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш бўйича ташкил қилинган махсус тўсиқлар ишини яхшилаш, дайдилик билан шуғулланувчиларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналарини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 220-моддасини тажрибада самарали қўллаш бўйича таклифлар кўриб чиқилмоқда.

Яна шуни маълум қиламизки, ўтган йили жумҳуриятимиз бўйича 13 мингдан ортиқ дайдилар ушланди, улардан 1,3 мингти милиция қидирувида бўлган ва 400 га яқини жиноят қилган шахслар бўлиб чиқди. Шунингдек 1160 киши даволаш муассасаларига жўнатилди, қолганлари эса корхона ва муассасаларга ишга жойлашиш учун юборилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти Ички Ишлар вазирлиги рўзномангиз саҳифасида ушбу масалани ҳаққоний ва тўлақонли ёритганингиз учун миннатдорчилик билдиради».

ТАРБИЯСИ ОҒИР БОЛАЛАР...

УЛАР ТУЗАЛАДИМИ? «ҲА» ДЕЙИШДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ РАЙОНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ

Бу анжуманга Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Киров район халқ таълими бўлими, пойтахт ва ноҳия маҳаллалар кенгашлари биргаликда узоқ тайёргарлик кўришди. Район ички ишлар бўлимининг ўсмирлар билан ишлаш инспекцияси фаолияти ҳам чуқур ўрганилди. Маҳаллаларда бўлиб, тарбияси оғир болаларнинг оилаларида суҳбатлар ўтказилди. Ниҳоят, айтиладиган сўзлар зое кетмаслигига кўз етгач, йиғилиш чақирилди. Унда райондаги барча мактаблар ўқитувчиларидан вакиллар, маҳаллалар фаоллари, район ички ишлар бўлими, суд, прокуратура ходимлари таклиф қилиндилар.

Анжуманни очар экан, район ҳокими Рустам Калонов танланган мавзу ўта муҳимлигини қайд этди ва маъруза юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришда фаолликка чақирди.

— Сўнгги йилларда,— деди «Тарбияси оғир болалар» билан ишлаш» мавзусида маъруза қилган Киров район халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Нуриддин Жалолов,— мактабларда тарбиявий ишларни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар мазмуни ўзгарди ва бойиди. Уч авлод учрашуви, меҳнат фахрийлари — меҳмонимиз каби анъанавий мулоқотлар билан биргаликда мактабларнинг ишлаб чиқариш корхоналари, илмгоҳлар билан ҳамкорлигига кенг йўл очилди. Ўқув даргоҳларида байналмилал дўстлик клублари, спорт тармоқлари, турли тўгараклар фаолиятлари амалга яхшиланди. Мактаб ҳаётида ота-оналар иштироки кучайди. Буларнинг ҳаммаси тарбия ишларини бирмунча яхшилади.

Маърузачи ижобий самараларга эришган мактаблар, ўқитувчилар ҳақида ҳам гапирди. Сўнгра тарбия соҳасидаги камчиликларга кенг тўхталди. Олиб борилаётган ишларга қарамай, ўқувчилар орасида безориликка ружу қўяётган, ўғирлик, йўлтўсарлик билан шуғулланувчи болалар ҳамон учрамоқда. Уларни қайтаришда мактаб ёлғизлик қилиб қолмоқда. Айрим ота-оналарга фарзандлари ножўя йўлга кириб бораётганлиги ҳақида ўқитувчи гап очса, улар орасида «бу менинг болам нима қилса қилади», «ўғлим чекса ўзининг пулига чекади, сизнинг пулингизга чекмайди-ку», «сиз дарс беришингизни билинг, интизоми билан ишингиз бўлмасин» дея дашном берувчилар ҳам кўпаймоқда. Аксарият ҳолларда ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари кийим-кечакка, зебу-зийнатга берилаётирлар, жиноятларга қўл урмоқдалар.

Бу хунук ҳодисаларнинг туб сабаблари ўрганилганда мактабнинг ҳам, оиланинг ҳам айби катта эканлиги равшанлашди. Чунки улар ўртасидаги алоқа узилиб қолган. Кейинги пайтларда хулқи ёмон бола тўғрисида гап борганида мактаб оилага, оила эса мактабга тўнкайдиган одат чиқарди.

Н. Жалолов мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорликда иш олиб бораётган 117-, 105-, 88-, 70- ва бошқа қатор мактабларда тарбиявий ишнинг яхши йўлга қўйилганлигини қайд қилиш билан биргаликда, 250-, 247-, 220-мактабларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эътибор берилмаётганлигини, таълим-тарбияда бу ўқув муассасалари оқсаётганликларини қиёсий мисоллар билан сўзлаб берди.

Анжуманда Киров район ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бўлими бошлиғи Валентина Афанасьева, Киров район маҳаллалар кенгаши раиси Кабир Комилов, 220-мактаб ўқитувчиси Умриниса Ҳусанова, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот илмгоҳи директори Қодирхўжа Фозилхўжаев, кўп болали она Нафиса Алимуҳамедова, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, республика, халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Йўлдошев ҳамда район прокуратураси ва бир қатор маҳаллалар вакиллари сўзга чиқдилар.

Анжуманда баён этилган мулоҳазалар, фикрлар асосида иштирокчилар тарбияси оғир болаларни қайта тарбиялаш мумкин, фақат бунинг учун оила, мактаб, жамоатчилик, маъмурий идоралар биргаликда ишлашлари керак, деган хулосага келишди.

Йиғилишда ўқитувчиларга муаллим — олимлар томонидан ёш авлодни, айниқса, тарбияси оғир болаларни қайта тарбиялашда қўллаш учун тайёрланган услубий тажрибалар тўплами рисоласи тарқатилди.

Ҳ. САИДВАЛИЕВ.

● ТОШКЕНТ. «Компрессор» корхонаси қошида фаолият кўрсатаётган «Форпост» кичик корхонаси хизматчилари панелли блок конструкциясини ишлаб чиқдилар. Илгари корхона бундай асбобни Эстониянинг Тарту шаҳридан оларди.

СУРАТЛАРДА: Панелли блокнинг йиғув участкасида; Компрессор станцияларини синаш жойи;

Р. ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.

(ЎзА).



МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ФАОЛЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЭЛБОШИ

ҲАЁТДА шундайлар борки, уларнинг юриш-туришлари, ҳаётий йўллари деярли бошқаларникидан фарқ қилмайди. Лекин нимаси биландир кишини ўзига тортади. Бу уларда самимийлик ҳамда ўзгалар ташвишига шерик бўла олиш хислатларининг мавжудлигидан бўлса керак.

Абдуманнон ака ҳам шундайлардан. У болалигиданоқ тиришқоқ ва интилувчан эди. Бекобод шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлайдиган билим юртини тамомлаб, Жданов номли (ҳозир Беруний номли 42-ўрта мактаб) мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ёшларга сабоқ берди. Устозларидан ўқитувчиликнинг маҳорат сирларини ўрганди. Кейинчалик шу мактабда 20 йил давомида директорлик қилди. Ушбу билим даргоҳининг ўрта мактабга айлантирилишида ҳамда икки қаватли ўқув биносининг бунёд этилишида ҳам унинг хизматлари бор.

1989 йили ҳамкасблари уни пенсияга кузатишди. Лекин ҳамон тинмай-тинчимайди. Маҳалладаги тўй-маъракаларда, дафн маросимларида ҳам бирдек жонкуяр.

1990 йили маҳалладошлари унга катта ишонч билдириб «Туркман» қишлоғи маҳалла қўмитасининг раислигига сайлашди. Айни пайтда у ўз вазифасини меъёрига етказиб бажармоқда. Халқимизнинг қадимий урф-одатлари ҳамда қадриятларини тиклашда, ҳозирги оғир иқтисодий шароитда имкониятдан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бошқаларга ибрат кўрсатмоқда. Шаҳсан унинг ташаббуси билан ўтган йили маҳалла ҳудудида ҳашар йўли билан масжид биноси қурилиб, у имом Исмоил ал-Бухорий номи билан атала бошланди. Унинг ёнига чойхона ҳам қурилди.

Айни пайтда масжидда эски ўзбек ёзувини ўрганиш бўйича доимий курс очилган. Ҳозир унда 90 нафар ўғил-қиз сабоқ олмоқда. Уларга масжид имоми А. Эркаев сабоқ бериб келяпти. Келажакда бу курс мактабга айлантирилиб, масжид атрофи боғ-роғларга бурканади.

Маҳалла қўмитасининг фаолияти кўл қиррали бўлиб, унинг таркибида ўн киши бор. Қўмитада тўй-маъракаларни ўтказиш, хотин-қизлар билан ишлаш, ободончилик, аҳоли ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш каби комиссиялар ишлаб турибди.

Абдуманнон ака эса бу ишларнинг ҳаммасига бошқош. Яқинда маҳалла қўмитасининг ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмитанинг ўтган даврда амалга оширган ишлари бир овоздан қониқарли деб топилди. Абдуманнон ака Абдувосидов яна маҳалла қўмитасининг раислигига сайланди. Чунки одамлар унга ишонишди. Зеро маҳалла оқсоқолининг барча саъй-ҳаракатлари шундан далолат бериб турибди.

Ҳ. ОТАҚУЛОВ.
Бекобод райони.

• ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

ҚОЗОҚБОЙ СОТТИБОЕВ:

„МЕН ҲАҚЛИГИМГА ИШОНАРДИМ“

«Қозоқбой ука, мен гумроҳни кечир, сенга қарши ёлғон кўрсатма бердим. Нима қилай, роса хўрлашди, батареяга боғлаб уришди, уч кун сув беришмади, тирик қолишимга умидим қолмади...».

(Ўрта Чирчиқ районидаги «Чиғириқ» пахта пункти мудири, тепки, калтаклардан қамоқхонада вафот этган Ширин Жамировнинг сўзидан).

Қозоқбой Ойкар опанинг «аллада азиз, тўрвада майиз» қилиб ўстирган фарзандларидан бири. Онаси негадир шу ўғлига бошқача меҳр қўйганди, «Ҳали қараб турингларингиз, Қозоқбойим раис бўлади», деб ҳазиллашарди. Умрида меҳнатдан бошқани кўрмаган оддий қишлоқ аёли Армия хизматидан қайтиб келган ўғлини олий ўқув юртида ўқитиш учун мисқоллаб пул йиғди, товуқ боқиб, товуқ сотди, тирикчиликнинг не-не кўчаларига кириб чиқди. «Ўғлим, сени нимчамни сотиб бўлса-да, ўқитаман», дерди у.

Қозоқбой ташкилотчи, тадбиркор йигит эди. Шу фазилати туфайли у қишлоқ хўжалик институти комсомол комитети котиблигига сайланди, курсдошлари орасида обрў-эътибор қозонди.

Ҳозир Чиноз районидаги Оҳунбобоев номли колхоз раиси бўлиб ишлаётган, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг собиқ биринчи котиби Асомиддин Мирзаевич Мираҳмедов сўзидан:

— Ўшанда институтда сиртдан ўқиётгандим. Қозоқбойнинг таърифини эшитиб, у билан суҳбатлашдим. Гап-сўзлари бамаъни, сўзидан қайтмайдиган йигитлардан эканлигини сездим. Иқтисодий жиҳатдан кучсизланиб қолган районимизга шундай йигитлар жуда зарур эди. Унга «Ўқишни битиргач, тўғри бизга келаверинг, биргалашиб ишлаймиз», дедим. Келди. Яхши ишлади. К. Маркс номли колхоз, «Ўрта сарой» совхозида бош агроном бўлди, Свердлов номли жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари сифатида астойдил хизмат қилди.

Қозоқбой Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригация институтига қарашли ўқув хўжалиги директори бўлиб ишлаганда ғўзаларни машинада дорилашни бошлаб берди, ҳосилдорликни 17 центнердан 34 центнерга чиқарди.

Асомиддин Мираҳмедов тоғиб келган уддабурон йигит жумҳурият, вилоят раҳбарларига ҳам маъқул бўлди. Шароф Рашидов у амалга ошираётган ибратли ишлардан яхши ҳабардор эди. Шунинг учун Қозоқбойни бир неча йилдан бери ўзини ўнглай олмаётган «Ленин йўли» колхози раислигига тавсия этди. Лекин эндигина 34 ёшга кирган йигит дастлаб оёғини тираб олди, қўлимдан келмайди, эплолмайман, деди.

— Эплайсан, — деди раён партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи котиби С. Аҳмедов. — Катталарнинг назари ҳаммага ҳам тушавермайди. Бардам бўл, Қозоқбой.

Шундай қилиб, 1972 йилнинг 29 мартида колхозчиларнинг 500 кишилик умумий йиғилишида Қозоқбой Соттибоев раисликка сайланди. Уч-тўрт ойдан сўнг колхозга Шароф Рашидов келди. У янги раисга шундай деди: «Бу колхозни сизга, сизни худога топширдик. Сиздан умидимиз катта, туя миниб узоқни кўзланг».

Ишлаб топган бир сўмларига 9—11 тийиндан қўшимча ҳақ олиб, пулдан, даромаддан қисилиб юрган колхозчилар янги раисдан умид қилишарди, зора биз ҳам бошқаларга ўхшаб яшасак, биримиз икки бўлса дейишарди. Қозоқбой дастлабки кунлари ухламади ҳисоб: барча идора ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечирди, ҳаражатларни аниқлади, нима учун бу колхоз карвоннинг кейинги оёғи бўлиб қолганлиги сирини топишга уринди, колхозчиларга ҳисобсиз ерлар бериб юборилганлиги, меҳнат интизоми издан чиққанлиги, моддий манфаатдорлик пасайиб кетганлиги қолоқлик сабабчиси бўлган деган фикрга келди. Баъзи раислар дўппилари тушиб кетса пул бериб олдиришади, колхозчиларга камдан-кам рўпарў бўлишади. Қозоқбой уларнинг бутунлай акси эди: кетмончилар даврасида чордона қуриб, дилдан суҳбатлашар, фикр-мулоҳазаларини эшитарди. Раис одамларга шундай ваъда берди: «Агар елкамизга офтоб тегсин десаларингиз, биз билан бир мақсад учун курашинг. Худо хоҳласа, «отчёт»да бола-чақа олдига бир халта пул кўтариб борасизлар».

Бир миллион 300 минг қарзи бор колхозни қабул қилиб олган Қозоқбой бир йилда ҳосилдорликни 30 центнерга олиб чиқди, жумҳуриятда биринчи марта кимёвий усул қўллади, йиллик даромад 3 миллиондан ошиб кетди, колхозчилар бир сўмларига 70—80 тийиндан олдилар. 1984 йили эса гектаридан 37 центнердан хирмон кўтарилди, даромад чўғи 7 миллион 116 минг сўмни ташкил этди, бир сўмга 3 сўм 16 тийиндан қўшимча ҳақ берилди. Ўша йили колхозчиларнинг маошлари учун нақд 2 миллион 220 минг сўм тарқатилди.

Қозоқбой Соттибоев 13,5 йил ичида ўттиз-қирқ йил ишлаб бирор нарса қурмаган айрим раислардан кўпроқ фойда келтирди, чорвачиликни оёққа турғизди, газ, ичимлик сув билан таъминланди, бир миллион сўм маблағ сарфлаб, ариқларни бетонлаштирди, Ўртабўз массивига дюкер билан сув олиб чиқди. Ўз раисларига ҳурмат-эътиқодлари ошган колхозчилар унинг айтганларини оғзидан чиқмасданоқ бажаришарди. Чунки, Қозоқбой айтяптими, демак бирор фойдаси борлигини билишарди. Шу барака топқур раис бўлдию, қозонларида гўшт-ёғ қайнаяпти, дастурхонлари ноз-неъматга сероб, райондаги йиғилишларга боришса ҳам олдинги қаторларда ўтиришади, ҳозир гап эшитамиз дейишмайди. Қайси йилиям бир колхозчи «отчёт»да нақд 50 минг сўмни санаб олиб кетди-я, азамат. Ишқилиб раисимизга кўз тегмасин-да...

Барибир кўз тегди: «пахта иши» деб номланган қора қуюн «Ленин йўли»га ҳам етиб келди.

Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси терговчиси, милиция подполковники Карим Мирзоҳидов ўзга сайёрадан «тарелка» миниб келмаганди. У ҳам шу пахтакор элнинг фарзанди, зилдек кетмонни яғир елкасига қўйиб, кечаю кундуз далада чумолидек тиним билмаган колхозчиларнинг дардташвишларидан, «ўтир» деса ўтириб, «тур» деса туришга ўрганган, чизилган чизиғдан нарига ўтолмаган «олтин қўл»ларининг ҳаётларидан яхши хабардор эди. Лекин у бу гал «хорма-бор бўл» дегани эмас, бутун вилоятга танилган раисни қамоққа олгани ташриф буюрди. Мен Карим Мирзоҳидовни айбламоқчи эмасман, у кўрсатмаларни бажараётганди. Ўзи бизнинг ўзбекка Раҳматли Ширин Жамировга ҳали-ҳали ачинаман: боғқишни уч кун батареяга боғлаб уришибди, Гена, Славик, Юра исмли давангирлар навбат билан тепишибди. Ахир, биз пахта етиштириб, мамлакатни кийинтирган, боққан одамлар эдик-ку! Менимча, пахтакорларга қилинган адолатсизлик, ваҳшийликни унутиб бўлмаса керак, унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Қозоқбой Соттибоев янги идора қурдириб, эрта-индин уни тантанали очиш ҳаракатида юрарди. Лекин тортилган лента кесилмай қолди, раисни 1985 йил 23 июль куни идора олдидаги қайрағоч тагидан қамоққа олиб кетишди... У шерикларсиз қамалган ягона раис бўлди.

Колхозчилар ноҳақдан-ноҳақ ўн бир йилга қамалган ўз раисларини ҳимоя қилиш учун турли идораларга бош уриб боришди, ариза шикоятлар ёзишди. Москвага ҳам бориб келишди. Натижада ўн бир йил беш йилга қисқартирилди, бироқ амал тегса отасини танимайди, шу одамни қамайсан дейишса, тамом, оёғини ерга тегизмай олиб кетади, «ҳой биродар, аввал айбимни исботла» деганларига қарамайди.

Карим Мирзоҳидов ҳам Қозоқбой Соттибоевни фақат қамаш истаги билан келганди, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмади, пахта пункти мудири Ширин Жамировни қийнаб, ўн кун овқатсиз, уч кун сувсиз қўйиб, Қозоқбойдан 30 минг сўм пора олганман, деб ёздириб олишди.

Қозоқбой Соттибоев сўзидан:

— Мен илгари совет қонуншунослари одил, раҳмдил, оқни қора дейишмайди, деб юрардим. Лекин қамоқхонада буларнинг ҳаммаси сохта эканлигини тушундим. Ҳуллас, Қозоқбой Соттибоев анча муддат ишсиз юрди. Колхозга борганимда у магнитофонни бураб: «Қизим тушмагур «Қамоқ»қа ёзиб, эшиттиришни лентага кўчириб олган экан». Эшитамиз: «Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида яшовчи Ҳафизахон Соттибоева: «Отам «Ленин йўли» колхози» раиси бўлди. 1985 йили «пахта иши» билан қамалди, кейин оқлашди. Ўзбекистон Олий суди отамнинг барча маошларини ундириб берди, ҳатто енгил машина билан ҳам мукофотлашди. Лекин у киши ҳали ўз вазифаларига тикланганлари йўқ».

Колхозчилар раисларини ўз ўрнига тиклаш учун қаттиқ курашдилар, ниҳоят тўртинчи марта бўлиб ўтган умумий йиғилишда Қозоқбой Соттибоев раисликка сайланди.

Колхозчилар умумий йиғилишни бошдан-оёқ видеога олишган экан, томоша қилдик. Йиғилиш карнайсурнай садолари билан бошланди. Юқорида район ва колхоз катталари ўтиришибди. Раисликка Қозоқбой Соттибоев тавсия этилади, дейилиши билан гулдурос қарсаклар янгради, колхозчилар кўзларида ёш билан қарсак чалишарди. Йиғилиш тугади. Ҳамма Қозоқбой томон интилди, қариялар дуо қилишар, онахонлар елкасини силаб, омад тилашарди. Қайта сайланган раисни то иш кабинетигача кузатиб қўйишди.

Шу йиғилишда «Ленин йўли» номи «Ҳақиқат» деб ўзгартирилди, унинг таркибида яна бир колхоз — «Қайтмас» тузилиб, Муҳаммадолим Убайдуллаев раисликка сайланди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, лекин Қозоқбой Соттибоевни табриклаш учун узоқ-яқиндан келаётган кишиларнинг охири кўринмасди.

— Шу гапларимни алоҳида ёзиб қўйинг, — деди Қозоқбой Соттибоев, — Президентимиз ишлари ниҳоятда кўплигига қарамай «пахта иши» билан жабрланганлар тақдири билан шуғулланди, бизларни ёруғликка олиб чиқди. Бунинг учун ҳаммамиз бола-чақамиз билан у кишининг ҳаққига дуо қиламиз, мустақилликнинг машаққатли курашларида худо мададкор бўлсин, деймиз. Вилоят ҳокими бизларни йиғиб- «Ҳаммаларингизни бориб кўришга улгурмадик, оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасизлар», деб совғалар улашди. Албатта, биздек «нариги дунё» — адолатсизликлар тўлиб-тошиб одамлар яна курашни давом эттиришди. Чунки улар раислари гуноҳсиз эканлигини яхши билишарди, унга ишонишарди. Ниҳоят Ўзбекистон Прокуратураси прокурорининг биринчи ўринбосари, 3-класс давлат маслаҳатчиси К. Розиқовдан қуйидаги мазмунда жавоб олинди: «Соттибоевга қўйилган айбнинг тўғри-нотўғрилигини аниқ ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар дастлабки ва суд тергови пайтида чуқур ўрганилмаган. Прокуратура томонидан Олий суд раёсатига суд қарорини бекор қилиб, ишни қўшимча терговга юбориш ҳақида норозилик келтирилди». 1991 йилнинг 20 мартида Ўзбекистон Олий суди пленуми Қозоқбой Соттибоев ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишининг унга тегишли қисмини ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мен «пахта иши» билан айбланган кўпгина кишиларнинг аччиқ тақдирлари тўғрисида ёзганман. Уларнинг деярли ярми ўз вазифаларига тиклангани йўқ. Албатта, ҳеч ким «иссиқ» ўрнини бергиси келмайди, турли идораларга югуради, одамларни ишга солади, бировга вафо қилмаган «тахт»ини сақлаб қолишга уринади. Лекин ҳали собиқ раислардек ноҳақлик жабрини тортмаган кейинги раислардан бирортасининг умумий йиғилишда ўрнидан туриб: «Халойиқ, мендан аввалги раис оқланиб келди. Амал қўлнинг кири, йигит боши омон бўлса, ризқини топиб ейди. Ўрнимни собиқ раисларингга бермоқчиман, унга қулоқ солинглар, биргалашиб ишланглар» деб мардлик қилганини эшитганим йўқ. Товба, амал шунчалик ширинмикин-а?!

Ётган қамоқхоналардан тирик қайтган кишиларга эҳ муҳими совға эмас. Раҳбарларимиз кўнглимизни кўтариб, шунчалик мулозимат қилишяптими, оталарига минг раҳмат!

Кетар пайтимизда ўзини колхоз бош энергетиги Ҳусанбой Эшбоев деб таништирган йигит бизга бир варақ қоғоз узатди:

— Қозоқбой акага бағишлаб шеър ёзгандим. Иложи бўлса, мақолангиз ичига қўшиб юборарсиз.

Ўқиб чиқиб, ҳаяжонландим. Бу шеърга нафақат Ҳусанбойнинг балки, барча «Ҳақиқат» аҳлининг истаклари, меҳр-муҳаббатлари сингдирилган эди:

Фалакнинг измида биз
бир ўйинчоқ,
Гоҳида гадомиз, гоҳ
бўламиз шоҳ.
Қуръони каримдан бўлсак
гар огоҳ,
Қолганин қўллайди
яратган Аллоҳ,
Эгамга эътиқод бўлсин,
мўл, йигит.
Туҳматнинг пардаси
йиртилди бугун,
Ҳақиқат нур сочди,
ёруғдир бу кун,
Ҳеч қолмай ечилди
жумбоқли тугун.
Табриклай чин дилдан,
бергин қўл, йигит!
Кўзлаган чўққингда йўқ
ҳали ҳеч из,
Юк оғир, бардам бўл, биз
ҳам изма-из
борамиз елкадош, вақт
эса тиғиз,
Таянчинг — халқинг бор,
биродар азиз,
Қаршингда оппоқ тонг,
бардам бўл, йигит!

Ҳа, Ҳусанбой айтганидек, «Ҳақиқат» колхози аъзолари унинг раисини олдинда оппоқ тонглар, муваффақиятлар кутмоқда.

Мақоламизга сўнгги нуқта қўйишдан олдин бир мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз: жумҳуриятимизда «пахта иши» билан ноҳақ жабрланган, мусофир юртларидаги қамоқхоналарда азобланиб вафот этган пахтакорларимиз хотирасига бағишлаб бирор музейми, ёки ёдгорликми ташкил этишнинг иложи йўқмикин? Агар шу иш амалга ошса, келгуси авлодларни ҳам ҳушёрликка чақирган, фидокорона меҳнатлари эвазига таҳқирлашлар, камситишлар билан «тақдирланган» юртдошларимиз руҳларини шод этган бўламиз. Маблағ масаласида хавотирликка ўрин бўлмаса керак. Чунки «у дунё»дан қайтганларнинг ўзлари бу ишга бош қўшадилар.

Эсон ҚОСИМОВ,

СУРАТДА: «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги раиси Қозоқбой Соттибоев.

УЛАР ҲАҚИДА КАМ ЁЗИЛАДИ

УСТА

ЭРКИН АКА устахонасини очган ҳам эдики, буюрт мачи келиб қолди. Ўрта ёшлардаги аёл қўлидаги халта ичидан пойабзалларни олиб, унинг олдига териб қўйди. Ҳаммаси беш жуфт бўлиб, болаларники эди.

— Уста, илтимос, кечгача тузатиб берсангиз. Қайтишимда олиб кетардим,— деди ялиниб мижоз.

— Ҳаракат қиламан, ишим кўп бўлса ҳам биринчи бўлиб уларни қўлга оламан,— деди териб қўйилган пойабзалларга ишора қилиб.

— Нарх-наво ниҳоятда ошиб кетганлиги кўпчилик серфарзанд оилаларни қийнаб қўйди,— дейди уста.— Қимматлиги ҳам майли-я, сифати ҳам яхши эмас. Бунақалар бир ой кийишга ҳам чидамайди. Бизнинг хизмат ҳақимиз ҳам бир неча баробар ошиб кетди, гоҳида тузатиш ҳақини тўла айтишга ҳам хижолат бўласан, қандай замонларга қолдик-ей,— чуқур хўрсиниб қўйди уста.

Эркин ака Набиев буюртмаларни тез ва сифатли бажариш қатори ширинсуханлиги, катта-кичигу ҳаммага бирдек мулойим муносабатда бўлиши билан аҳолининг ҳурматини қозонди. Ҳар куни ўнлаб кишиларнинг ҳожатини чиқармоқда. Зарур бўлиб қолса иш вақтидан ташқари ҳам қолиб, бошлаган ишини охирига етказиб қўяди. Энг муҳими мижозларни ортиқча овора қилмайди, барча юмушларни айтган вақтида бажаришга одатланган. Унинг ҳалол хизматидан Тошкент ноҳиясидаги сабзавот полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот илмгоҳи, «Тошкент», «Ленинград» жамоат хўжаликларининг кўпчилик аҳолиси хурсанд бўлишяпти.

Т. ДУСОНОВ.

ҲАМОН ОЛДИНДА

АСБОЦЕМЕНТ қувурлари ва шифер тайёрлаш заводи Бекобод цемент комбинатининг пещкадам ишлаб чиқариш бўлинмаси ҳисобланади. Унинг байналмилал жамоаси ўзаро мусобақада доим мукофотли ўринларни эгалламоқда. Ўтган хўжалик йилида топширикни 103 фоизга етказиб бажаришга муваффақ бўлди.

Илғор жамоа бу йил ҳам бир маромда ишлаб келмоқда. Режалар ой сайин тўла ва ошириб адо этиляпти. Айниқса, заводнинг Жаббор Худоёров бошчилик қилаётган сменаси ишчи-хизматчиларининг самарали ишлаётганлигини қайд қилиш керак. Улар ҳар ойда топширикни 105 фоизга етказиб уддаламоқдалар ва қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот тайёрланишига эришмоқдалар.

Сменада қўплаб илғорлар бор. Ш. Орипов, В. Гардиев, И. Эргашев, Г. Ҳамдамова, З. Шевченко ва бошқалар иш вақтидан ва мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиб, смена нормасини ошиғи билан адо этишяпти.

Н. ОТАБОЕВ.

ТАРИХ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитиш долзарб маърифий муаммолардан бирига айланган. Ўқувчилар онгига тарихий маълумотларни тўғри ва холисона ёндошилган ҳолда сингдириш давр талабидир. Ижтимоий-сиёсий воқеаларга янгича муносабат, маънавий қадриятларнинг тикланаётганлиги ва бошқа омиллар тарих фани дарсларига нисбатан катта ўзгартишлар киритишни тақозо этаётган экан, бунда шу предмет ўқитувчиларини зарур илмий-назарий билим ва услубий адабиётлар билан қуроллантириш қўпгина зарур. Буни инобатга олган Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳи тадбиркорлик билан иш кўриб, ўқувчиларга тарих фанидан қандай сабоқ бериш, айниқса Ўзбекистон тарихини қай йўсинда ёритиш масалаларига бағишлаб махсус курсларни уюштиришга киришди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих илмгоҳи илмий жамоаси кўрсатаётган жонбозликни алоҳида айтиб ўтиш керак. Илмий муассасанинг етакчи олимлари курс тингловчилари ҳузурида қатор мазмунли маърузалар билан чиқдилар. Таниқли тарихчи олим Х. Зиёевнинг лекциялари кўпчиликка манзур бўлди.

Бундан ташқари Тошкент молия олий билимгоҳининг бир гуруҳ олимлари ҳам ҳиммат кўрсатмоқдалар. Н. Маматов, Ғ. Ғуломов, Ж. Абдуҳоликов каби фидойи олимлар ҳам малака ошириш илмгоҳи билан яқиндан боғланиб, тарих ўқитишни яхшилашга қаратилган илмий-услубий маслаҳатлари билан ўқитувчиларга сабоқ бермоқдалар.

А. АЛИЕВ.

• Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

ИШ ЮРИТИШДА ОҚСАЯПМИЗ

РАЙОНИМИЗУ хўжаликларимизгача кимларнинг номлари қўйилмаган эди дейсиз: Калининдан тортиб Оржонкидзегача, Куйбишев, Гагарин, Свердловдан тортиб Фрунзегача, «Москва», «Партия XX съезди», «Партия XXI съезди»ю, Ивановогача... Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилингач ҳам бу номларнинг кўпи икки йилгача савлат тўкиб турди. Бу, тобеликка шунчалик ўрганиб қолганлигимизданмиди ёки марказнинг таъсири остидан чиқолмаганлигимизданмиди? Истиқлол қуёши порлагач эса ишлар тезлашиб кетди. Хўжаликлар ва қишлоқларнинг тарихий номларини тиклаш ҳақида бирин-кетин таклифлар туша бошлади. Қорасув, Зангиота, Эркин, Назарбек, Эшонгузар ва ҳоказо...

Районимизда қайта номланиш ниҳоясига етай деб қолди. Энди эса олдинда шунча кўп ишлар турибди-ки бу, бозор иқтисодиётининг бугунги чўққига кўтарилаётган бир палласида анча-мунча сарф-ҳаражатни талаб этади. Агар бу ишлар ланжлик қилинмай ўтган йили амалга оширилганда эди, анча ютган бўлардик. Мен бу ўринда ҳужжатларни, кўрсаткичларни, муҳрларни ва бошқаларни алмаштиришни назарда тутаяпман.

Номларку ўзгартирилибди, бу яхши, лекин давлат тилида иш юритиш қай аҳволда?

Очиғини айтганда юқори қўйига ибрат кўрсатиб давлат тилида иш юрита бошлагани қачонлар эди. Бу ўринда район, қишлоқ ҳамда қўрғон Кенгашларида кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин давлат тилида иш юритмаётган ташкилотлар ҳам борки, буни ачиниш билан таъкидлаб ўтмасдан илож йўқ.

— Район алоқа бўлими, қурилиш ташкилотларининг кўпчилиги, геологиягеофизика қидирув экспедициясида иш ҳамон рус тилида юртилаяпти, — дейди халқ депутатлари Қорасув район Кенгаши ижроия қўмитаси қошидаги давлат тилини амалда қўллаш комиссияси раиси О. Жўраев. — Энди биз давлат тилида иш юритмаётганларга нисбатан қатъий чоралар кўрмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бу масалаларни район Кенгаши раёсатида кўриб чиқишни режалаштирганмиз.

Мустақил бўлсак, давлатимиз тили бўлсаю, ҳайронман кимдан, «Давлат тилида иш юрит!» деган қатъий буйруқни кутаяпмиз. Ахир бу ишни бундан 2,5 йил аввал онгли равишда амалга ошира бошлаган бўлишимиз керак эди-ку. Ўз она тилимизга ўзимизки беҳурматлик билан қарар эканмиз, бошқалардан нима кутиш мумкин.

— Тоғни урса талқон қиладиган бақувват ўзбек йигитини рус тилида сўзлолмагани учун ақлий жиҳатдан заиф деб ёзиб қўярдик, — дейишганди менга чақириқ пайтида район ҳарбий комиссариатига борган мутахассислар.

Ўйлаб кўринг, умрининг ярми далада ўтган, мактабда рус тилидан ёлчитиб сабоқ ололмаган йигитни айблабмизу, ўз она тилида сўзлашга тили айланмай ўзга тилда сайраётганларни кўкка кўтарибмиз.

Етишмовчиликларимизнинг бош сабабчиси деб айбланётганимиз ўша қайта қуриш туфайли кўп нарса йўқотдик ва топдик ҳам, У ўзлигимизни танитди, тилимизни қайтариб берди.

Ўзбек тилида тўлиқ иш юритишимизга яна бир нарса тўсқинлик қилаяпти, у ҳам бўлса... Районимиз шифокорлари биринчи бўлиб давлат тилида иш юритишга ўтишган эди. Шундан кейин қизиқ бир ҳолат юзага келди: касалликни қайд этиш дафтарида русча-ўзбекча сўзлар аралаш ишлатила бошланди ва бу ҳол ҳалигача давом этаяпти. Сабаби уларга касалликларнинг номлари ўзбек тилида қайд этилган қўлланма берилмаган. Район ЗАГС бўлимига юқоридан келаётган қўлланма ва тавсияларнинг ҳамон рус тилида эканлигини қандай баҳолаш мумкин. Ишни юқоридан бошламас эканмиз, қуйида кўп нарсага эришиб бўлмайди. Атамалар комиссиялари қачон ишни тезлаштириб аниқ қўлланмалар нашр этишар экан?! Нашр этилган бўлса, у шунчалик кам нусхадамидики, қўлимизга келиб тегмаяпти. Чунки халқ турли хил номлашлардан чарчамоқда.

Масалан, районни ноҳия, туман ва яна нималардир деб кўрдик. Газетхонни муштарий деяпмиз. Самолётни «тайёра» деб қўллаяпмиз. Бу, мавҳум ном эмасмикан? Яқинда туркчада ўқиб қолдим. Самолётни «учақ» деб ишлатишаркан. Менимча, мазмунан тўғри ўхшатиш. Худога шукур, тилимиз қашшоқ эмас, биз ҳам шунга ўхшашроқ сўз топсак бўлмасмиди? Халқ қабул қилиши қийин бўлган номларни қачонгача зўрма-зўракилик билан ишлатиб юрамиз. Кўпинча бизга турли ташкилотлардан қўнғироқ қилишиб, у ёки бу нарсанинг ўзбекча аталишини сўрашади. Гоҳо минг истиҳола билан, билмаймиз, деб жавоб берамиз. Чунки ўша номни бир рўзнома бошқача, иккинчиси бошқача қўллаяпти. Бу турли хил номлашлар халқни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Бу менинг шахсий фикрим, холос. Юрагимда йиғилиб ётган гапларнинг бир қисмининг қоғозга тўкким келди. Ўзга тилларни ҳам ўрганайлик, лекин ўз тилимизни ҳам кўкка кўтарайлик.

Ж. АРСЛОНОВА.

ДОРГА КИМ ЧИҚАДИ?

КЕНГАШДА АЙТИЛГАН ГАПЛАРДАН

Ўзбекистон Маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалар бошқармаси ташаббуси билан ўзбек миллий дорбозлар жамоаларининг кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда қадимий анъаналарни давом эттириб келаётган бир қанча дорбозлар сулоласи жумладан, Қашқадарё вилоятидан Саъдулла Мадлиев, Фарғонадан Турсунали Мамажонов, Намангандан Эргашхўжа Норхўжаевлар иштирок этдилар.

Йиғилганлар ҳозирги оғир шароитда дорбозлар сафи кескин камайиб кетаётганлиги, бу ҳол шундай давом этадиган бўлса яқин йиллар ичида халқимиз севиб томоша қиладиган санъатнинг бу тури йўқолиб кетиши мумкинлиги ҳақида кўюниб гапирдилар. Кун тартибида турган асосий масалалардан яна бири миллий дор ўйини анъаналарини сақлаб қолиш, бу борадаги моддий аҳволни яхшилашга бағишланди. Иштирокчиларнинг таклиф ва талаблари билан ўзбек миллий дорбозлар уюшмаси ташкил этиладиган бўлди.

Ташкилий қўмита аъзолигига турли вилоятлардан бу соҳанинг машҳур кишилари киритилдилар. Янги уюшма дорбозлар олдида турган, ҳозирга қадар ҳал этилмай келаётган муаммоларни ҳал қилиш билан ҳам шуғулланади.

Жумҳуриятимизда ҳозирги кунда мавжуд бўлган йиғинларга яқин дорбозлар жамоаларига маданият вазирлиги маданий-маърифий муассасалари бошқармаси томонидан яқиндан ёрдам кўрсатиш таъкидланди. Хусусан, уларга зарур қийимкечаклар тайёрлаш, асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари марказлашган тарада олиб борилади.

Т. ЗОИТОВ,
Ўзбекистон Маданият вазирлиги маданий-маърифий ишлар бошқармаси мутахассиси.

«ЎЗБЕК ТИЛИ — ЖОНИ-ДИЛИМ МЕНИНГ»

ДЕЙДИ ТОШКЕНТДАГИ ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ РАҚҚОСАСИ ТАТЬЯНА ГАЛИТСКАЯ

Болалигиданоқ ўзбек тилига астойдил меҳр қўйган бу санъаткор ҳақида ёзишни кўнглимга тугиб қўйган эдим. Яқинда у муҳарририятга кириб келди. Ўз ҳаёт йўли, тилимизни бунчалик соф эгаллаганлигининг боиси ҳақида анча батафсил ҳикоя қилиб берди...

Таня Қирғизистоннинг Ўш вилоятида туғилди. Отаси Иван Иванович Галитский, онаси Галина Ивановна Мясниковалар Андижон вилоятининг Қўрғонтепа районита кўчиб келишганда у уч ёшли қизча эди. Олти ёшида анча ўткир зеҳнли, бийрон қизини Галина Ивановна ўзбекча мактабга берди.

— Қизим, Ўшда ҳам, Андижонда ҳам ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб бирон ёмонлик кўрмадим,— деди у,— фақат иззат-ҳурмат нималигини, оқибат нималигини, бировнинг бошн ёстиққа етганда ғамхўрлик нималигини шулардан ўргандим. Уларнинг урф-одатига ҳурматим баланд бўлганлиги учун сени ўзбекча ўқитаман,— деди у.

Мактабда Таня қийинчилик сезмади. Дарсларни синфдошлари каби ўз вақтида тайёрлаб борарди. У яхши ўқувчилар қаторида ҳисобланарди. Айни пайтда мактаб рақс тўгарагининг фаол қатнашчиси ҳам бўлиб қолди.

Болалигида шундай ҳолатлар учрайди, ўқувчи қайсидир жасбга чин ихлос билан бериладию, кейин шу ҳавас унинг дилида чўг бўлиб ёнади. Ана шу алангга тафти эса уни орзуларга етаклайди. Бу туйғу оғушида қолган Таня 6-синфда Тошкентдаги хореография билим юрти маъмуриятига хат ёзди. У «Жуда-жуда рақсга тушишни яхши кўраман, менга йўл-йўриқлар беринг,» — дея илтимос қилди.

Ўқувчи мактуби изсиз қолмади. Билим юрти маъмурияти Таняни ўқув йили бошланишидан олдин мавжуд талаблар бўйича синаб уни қабул қилди. Шунда онаси етаклаб келган ўн икки ёшли қизча 1980 йилдан бошлаб билим юрти қошидаги мактаб-интернатда яшаб, севган ихтисослиги бўйича илм олишни давом эттирди. Ўқув даргоҳида Таня рус классик ва шарқ халқларининг турли даврларга мансуб рақсларини ўрганиб борди. Устозлари— Зулайҳо Жунаевна, Ольга Александровналар бу қизда чинакам иқтидор борлигини ҳис этишгач, ундан меҳнатларини аямадилар.

— Ўзбек тилини билганлигим ҳамиша қўл келмоқда,— дейди Т. Галитская, ўқиб юрганимда билим юртида имтиҳонлар бошланишидан аввал устозларимиз турли қишлоқлардан рақсга қизиққан қизларни танловларда кўриб, илм олишга таклиф этишарди. Ўқиш рус тилида бўлганлиги учун уларнинг баъзилари сўзлашувда, ҳужжатлар тўлдиришда қийналишарди. Шунда мен бажонидил кўмаклашардим.

Ўқув даргоҳида масъулият ва завқ-шавқ билан ўтган беш йил Таня учун самарали бўлди. У кўп рақсларни ўрганиб олган эди. Қўлига дипломи топширилгач, йўлланма билан Андижон санъат билим юртига бориб ишлади. У ерда ихтисослигини яхши билган ўқитувчи сифатида ҳурмат қозонди. Лекин барибир Татьяна Галитскаянинг дилида муаллимликдан кўра саҳнада рақс тушиш туйғуси кучли эди. У Тошкентдаги оперетта театрига мурожаат этди.

— Театрда ҳеч кимни танимасдим,— дейди санъаткор, лекин директор ўринбосари Игорь Павлович Кузьминга бор мақсадимни очиқ-ойдин айтдим. Орадан ҳеч қанча ўтмай директор Офсей Захарович Фельдман, балетмейстер Ангелина Георгиевна Ляп икковлари биргаликда санъатимни кўрикдан ўтказишди. Мана бир неча йилдирки, шу театрдаги спектакларда рақс тушиб келаяпман. Концертларда қатнашаман.

Татьянанинг дастури рангбаранг. У «Хўжа Насриддин»да ўзбекча рақсларни ижро этса, бошқа спектакларда ва концертларда тожикча, арабча ўйинларни маромига етказади. Шу йилги «Наврўз» байрами кунларида унинг дастури бошқа миллатларнинг рақслари ҳисобига янада бойиди.

— Мақолангизда битта фикримни алоҳида таъкидлашингизни истар эдим,— деди Татьяна хайрлашишга чоғланар экан, «Ўзбек тили — менинг жони-дилим, бу муболаға эмас, ҳар куни ўзбекча рўзномаларни ўқиб тураман, ўзбек дугоналарим кўп, улар билан гаплашганимда роҳат қиламан. Қолаверса мендек рус қизига ўзбек муҳити, одоби, тарбияси оруз-ининг ушалишига мадад берди».

Татьяна Галитская изоҳ этган дил сўзлари унинг меҳрга тўла кўзларида, очиқ чеҳрасида ҳам мужассам эди.

С. ҲАСАНОВ.





ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг шу йилдан бошлаб Рамазон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиниши тўғрисидаги фармонини жумҳуриятимиз мўмин-мусулмонлари мамнуният билан кутиб олдилар. Дарҳақиқат, бу йил жумҳуриятимизда мусулмонларнинг буюк руҳий ва маънавий байрами Ийд-Рамазон Ҳайити уюшқоқлик билан нишонланди. Шу куни мўмин-мусулмонлар барча эзгуликларнинг амалга ошишини сўраб фотиҳа қилдилар.

Суратларда: Ҳайит-намоз пайти.
Сураткашлар: В. ТЎРАЕВ, А. ЗУФАРОВ.

• МУШТАРИЙЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА •

Ассалому алайкум ҳурматли муҳарририят!

Мен «Тошкент ҳақиқати»да чоп этилаётган мақолаларни бир муаллима сифатида кузатиб бораман. Айниқса, кейинги вақтда тарихимизга оид, миллийлигимиз билан боғлиқ, ахлоқ, одоб, оқибат борасидаги мавзуларда ёритилаётган мақолалар кўпайганлигидан жуда хурсандман. Сизлардан илтимос, ислом таълимотининг билимдонлари томонидан тайёрланган мақолалардан ҳам чоп этиб борсангизлар. Бундай чиқишлар ҳам оилада, ҳам тарбия масканларида яхши дастур бўлиши шубҳасиз.

Д. КАМОЛИДДИНОВА,
муаллима,
Тошкент шаҳри.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Юқоридаги мазмунда битилган мактублар, қўнғироқлар анчагина. Тошкентлик шифокор М. Раҳматова, кўп болалик она У. Расулжонова, илмий ходим Н. Нусратуллаев, бекободлик С. Обидов, чиноэлик О. Раимова, оққўрғонлик Қ. Ражапов ва бошқа муштарийларимиз шулар жумласидандир.

Бизга ўз илтимосларини баён қилганларнинг аксарияти 1991 йил 22 ноябрда чоп этилган «Аллоҳ умр берса, режалар улкан!» — Ўзбекистон Халқ Академиясининг ҳақиқий аъзоси, ислом маданияти ва халқ дипломатияси бўлими бошлиғи Шамсиддин Бобохонов билан суҳбатни эсга олишган. Ва келгусида ҳам ислом таълимоти мавзусида шу соҳа билимдонлари тайёрлаган мақолаларни чоп этиб боришни мақсад қилганлигимиз ҳақидаги таъкидимиз юзасидан тўхталганлар.

Биз муштарийлар илтимосини инобатга олиб, қуйида улар истаги даражасида мақола чоп этишни лозим топдик.

БАДГУМОНЛИК ГУНОҲИ АЗИМДИР

Шамсуддин БОБОХОНОВ,

Ўзбекистон Халқ Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро Абу Али ибн Сино мукофотининг соҳиби.

Шак-шубҳали нарсалар асосида одамларга нисбатан ёмон гумонда бўлишлик шариати исломия таълимотларида ҳаром қилинган ишлардандир. Қуръони каримда бир фосиқ одам бирор ёмон хабар келтирса, уни қатъий далиллар асосида аниқламагунча, ноҳақ ҳукм чиқариб қўйишга шошилмасликка даъват этилади. Чунки, шубҳа ва бадгумонлик орқасидан бегуноҳ, бенуқсон одамларнинг обрўларига доғ тушириб, шаънларига тўғри келмайдиган туҳмат гаплар тарқатиб қўйишлик мумкин. Бунинг гуноҳи эса жуда каттадир.

Шунинг учун ҳам шариати исломия қонун-қоидаларида бировнинг устидан шубҳа ёки бадгумонлик асосида шикоят қилинса, уни то гувоҳ ва далиллар билан исботламагунча, инобатга олинмайди. Агар, қилган ишвоси асоссиз, нотўғри чиқса, ишвогарнинг ўзини жазолашга буюрилади. Бу эса Ислом динининг нақадар ҳақиқат ва адолатпарвар эканлигини кўрсатади. Аксинча, бу каби қора ниятли шахсларга қарши қаттиқ чора ва тадбирлар қўлланилмаса, табиийки, Ер юзида фитна-фасод, ноҳақлик, адолатсизлик янада авж олиб кетиши мумкин.

Жаноби Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) бир ҳадисларида: **«Менинг пайғамбар бўлиб юборилишим боисларидан бири сизларнинг ахлоқу одобларингизни камолига етказишликдир»**, — деганлар. Расулуллоҳга бу олижаноб вазифани шараф билан адо этиб боришликда Аллоҳ таоло Қуръон оятлари орқали мадад ва ёрдам бериб борди. Ояти карималарни ўзларининг ҳадиси шарифлари билан изоҳлаб, шарҳлаб бердилар. Салаф уламоларимиз ҳам ўз асарларида, тоқатлари борича, ахлоқу одобга доир дурдона ва ҳикматли сўзларини кейинги авлодларга қимматбаҳо мерос сифатида қолдириб кетдилар.

Ҳусни одобга доир инсоний фазилатлар жуда кўп. Яхши фазилатларнинг акси ўлароқ шундай ёмон хусусиятлар ҳам борки, улардан узоқлашиб юришликнинг ўзи ҳам катта фазилат ҳисобланади. Қуйида биз одамлардан яхши гумон қилиш борасида бироз фикр юритамиз.

Аллоҳ таоло «Ҳужурот» сурасининг 10-оятида мўминларга қарата шундай ҳитоб қилади:

«Эй иймон келтирган бандалар, одамлардан ҳар хил ёмон гумон қилишликдан сақланингизлар. Инсон ўзининг баъзи гумонлари билан гуноҳкор бўлур».

Маълумки, баъзи бир шундай енгил табиат кишилар ҳам бўладики, кўрган нарсасининг моҳиятига тушунуб етмай, сиртига, зоҳирага қараб баҳо бериб қўяди. Ёки бўлмаса, одамлардан эшитган гапига чинакам ишониб етаверади. Ўзи тўла ишонмаса-да, қизиқроқ бўҳтон, тўқима гап бўлса, дарҳол бировларга ҳам етказишга қизиқади, ваҳоланки Жаноби Расулуллоҳ айтадиларки: **«Эшитган гапини сўраб-суриштирмасдан бошқаларга етказаверадиган одам ўта гуноҳкордир».**

Шунинг учун ўтган энг улуғ саҳобалар, тобеин ва машойиҳлар бир-бирлари шаънига айтилган ноўрин гапларни эшитиб қолсалар, аввало, ишонмас эдилар ёки ўша гапни тўғри, яхши маънога йўйиб қўяқолар эдилар. Улар умуман барча мусулмонлар ҳақида яхши фикрда бўлишга, улардан мудом бадгумон бўлмасликка даъват қилар эдилар. Уларга биров келиб: «Фалончи мана шундай айб ишларни қилаётир ёки мана бундай ножўя гапларни гапираётир» деса, унинг жавобига: «Бировнинг айбини очишга эмас, ёпишга одатланган, унинг айтган гапларини эса сен яхши тушунмабсан. Балки, у мана бу маънода гапиргандир»; — деб яхшиликка йўяр эканлар.

Бинобарин, салаф уламоларимиз одатда улуғ машойиҳларни синаб кўрмоқчи бўлсалар, ҳузурларига бориб, бировни ғийбат қилар эканлар. Агар шайх ҳам буларнинг гапига қўшилиб, ғийбатга шерик бўлиб ўтиравса, шайхга салбий баҳо беришар экан. Бордию у буларни ғийбатдан қайтариб, ғийбат қилинаётган шахснинг обрўсини сақлаб қолишга уринса, шайхга катта баҳо берар эканлар.

Шу хусусда келган баъзи ҳикоятлардан эслатиб ўтамиз.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурларига бир одам келиб сўрадики: «Мен ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитдим, бир туппа-тузук, илмли одам: «Жаннатдан умидим, дўзахдан қўрқинчим йўқ. Ўлимтик ва қонни еявераман. Яҳудий ва насороларнинг сўзларини тасдиқлайман. Ҳақ нарсани ёқтирмайман. Ичкилик ичаман. Кўрмаган нарсамга гувоҳлик бераман. Бетаҳорат намоз ўқийман. Фитнани севаман. Жанобатдан ғусл қилмайман. Одамларни ўлдираман, — деди. Сиз бунга нима дейсиз?»

Имоми Аъзам атрофларида турган шогирдларига қараб: «Сизлар нима дейсизлар?», — деб сўраган эдилар, улар: «Албатта, бу сўзларни айтган одам ўзи кофир, хотини талоқ бўлиши керак», — дебдилар. Шунда Имоми Аъзам табассум қилиб қўйибдилар-да, сўнг айтибдиларки: «Йўқ, бу сўзларни айтган одам катта олим киши экан. Ҳамма гаплари асосли ва ҳикматли экани билиниб турибди. Мана эшитинглар:

1. Жаннатдан умидим, дўзахдан қўрқинчим йўқ дегани — уларнинг яратувчисидан умидим ва қўрқинчим бор дегани.

2. Ўлимтик ва қонни еймаман дегани — балиқ, жигар талоқни еймаман дегани.

3. Яҳудий ва насороларнинг сўзларини тасдиқлайман, дегани — Қуръони каримда Ҳақ Таоло улар ҳақида: «Яҳудийлар насороларни ёлғончи десалар, насоролар яҳудийларни ёлғончи деганлар. Ҳар икки тоифанинг бир-бирларини ноҳақ деб берган баҳоларини мен тасдиқлайман», — демоқчи.

4. Ҳақ нарсани ёқтирмайман дегани — ўлимни хуш кўрмайман дегани, чунки ўлим—ҳақ.

5. Ичкилик ичаман дегани — Қуръони каримда ҳаром нарсаларни зарурат учун, ҳаётни сақлаб қолиш мақсадида истеъмол қилишга рухсат берилганини эслатмоқчи бўлган.

6. Фитнани севаман дегани — молу-дунё ва фарзандларимни севаман дегани. Чунки Қуръони каримда: «Молу-дунёларингиз ва фарзандларингиз, сизларни синаш учун бериб қўйилган бир мафтункор нарсалардир» — дейилган.

7. Кўрмаган нарсаларимга гувоҳлик бераман дегани — Аллоҳга, фаришталарига, пайғамбарларига, қиёматга бўладиган ишларга кўрмасдан туриб гувоҳлик бераман, демоқчи.

8. Жанобатдан ғусл қилмайман дегани — сув йўқ маҳалда таяммум билан кифояланаман, демоқчи.

9. Одамларни ўлдираман дегани — жанг майдонида душманларни ўлдираман дегани, — деб шарҳлаб берган эканлар.

Одамлардан бадгумон бўлмаслик учун уларнинг ҳар қандай мункар ишларини кўрганда ёки улар ҳақида ёмон гап эшитганда, зоҳирига ҳамла қилмасдан, дарҳол яхшиликка таъвил қилиш керак бўлади. Масалан, «Туҳфатул қиёс» китобининг муаллифи Али ибн Шайх Муҳаммад ал-Мисрий айтадилар: «Агар бир олим муттақий кишини ахлоқсиз, фосиқ, ёмон одамлар билан бирга ўтирганини кўриб қолсаларингиз: «Балким бу киши уларга панду насиҳат қилиб, ёмон йўллардан қайтариш ниятида бирга ўтиргандир», — деган гумонда бўлинглар.

Агар бир аҳли салоҳ киши жумъа намози вақтида бозорда бемалол савдо-сотиқ қилиб ёки бошқа иш билан шуғулланиб юрганини кўрсаларингиз: «Балким бу одамнинг шаръи бир узри бордир, шунинг учун жумъани тарк этгандир», — деган гумонда бўлинглар.

Айниқса, олим, фозил кишилардан бадгумонсираб: «У ўзига бино қўйган, илмига кибр қилади, риёкор ёки ҳасадгўй, шуҳратпараст каби салбий сифатлар билан таъна етказишликдан жуда эҳтиёт бўлингизлар, бу айни ҳаром иш», — деб таъкидлайдилар мазкур китоб соҳиблари.

Хатиб ёки воиз мусулмонларга қарата ваъз қилиб, уларни ўз одобу ахлоқларини тузатишларига даъват қилиб турган бўлса, сизлар: «У айтаётган сўзларига ўзи амал қилмайди», — деган бадгумонликка борманглар, балки ўзи ҳақида яхши гумонда бўлиб, айтаётган фойдали сўзларига амал қилишга ҳаракат қилаверингизлар, деб тавсия қиладилар.

Яна айтадиларки: «Яқин қариндош ёки дўстларингиздан баъзилари сизни узоқ вақт зиёрат қилмай қолди ёки касал ётганингизда келиб кўрмади. Сиз ундан дарҳол хафа бўлиб, кўнглини бузмаслигингиз лозим, балки бирор зарур юмуши чиқиб қолгандир ёки қаттиқроқ узри бордир, деб яхши гумон қилинг».

«Ёки, дейдилар, — бир маросимга бориб қолувдингиз, сизни пойгакроққа, пастроқ жойга ўтказиб қўйишди. Сиз шунда ҳам: «Менинг фазлу камолимни билатуриб, юқорироққа ўтказмади», — деб ҳафа бўлишга ўтманг, Агар ўтсангиз кибру ҳаво қилган бўласиз, балки: «Менинг камтарлигимни билиб шу жойга ўтказди, агар ҳафа бўлишимни билса эди, юқорига таклиф қилган бўлар эди», — деб қўяверинг».

Мазкур китобда Шайх Муҳаммад Мунир деган улуғ зотнинг ушбу сўзлари келтирилади: «Агар сизлар олим ва фозил кишиларнинг қиймматбаҳо кийимлар кийганини ёки энг зотдор, яхши безатилган отларни миниб юрганларини кўрсангизлар, асло ҳасад қилмангизлар, зеро буларнинг ҳаммаси шаръан жоиз ва рухсат этилган нарсалардир. Буларга ҳасад қилишлик айни хатодир», — дейдилар.

Шу хусусда бир ҳикоя:

Абул Ҳасан Шозилий деган улуғ зот одатда жуда чиройли кийиниб юрар эканлар. Бу зотнинг шогирдлари ҳам устозларининг таълимларига биноан, имкониятлари борича қимматбаҳо, обрўли кийимларда юрарканлар. Бир куни буларнинг бу одатларини ёқтирмайдиган, балки дарвишона, йиртиқ-ямоқ кийим кийиб юрадиган тоифалардан бири мазкур Абу Ҳасан Шозилийга таъна билан: «Сизлар аҳли дунё кишиларидек ўзларингизни ясатиб юрасизлар», — деб маломат қилибди. Унга жавобан Имоми Шозилий айтибдиларки: «Биз ўзимизни одамларга тўқ, ҳамма нарсадан етарли сифатда кўрсатиб, бу неъматлар учун доимо «ал-ҳамду лиллоҳ» деб юрамиз. Аммо сизларнинг кийиб юрган фақирона кийимларингиз лисони ҳол билан одамларга: «Биз фақиру-мискинмиз, бизга ёрдам қилингизлар», — деб туради. Қани, қайси бири яхши?», — деган эканлар.

Шайх Муҳаммад Шиннивий устозларига қарата айтадиларки: «Агар шогирдларингизнан бирортаси бошқа устоз ҳузурига бирор иш билан бориб қолсаю, у шогирдингизга яхши муомала қилмай ёки иззат-икром қилмай жўнатган бўлса, сиз у одамдан зинҳор бадгумон бўлманг, балки: «Бировнинг шогирдига яхши муомала қилиб, иззат-икромини жойига қўйсам, шогирднинг дили менга мойил бўлиб қолиб, ўз устозидан кўнгли совиб қолмасин», — деб шундай қилган бўлса керак», —деб қўяқолинглар».

Алий Хавос деган улуғ зот айтадиларки: «Агар бирор олим киши вафот этиш пайтида жуда оғир жон берса, турли ачинарли ҳолатлар юз берса, ўйламангизларки, дунёдан кетишни хоҳламаётир ёки гуноҳ ва мавсиятлари кўплигидан қийналиб жон бераётир, деб. Балки: «Вафот этсам, тоат-ибодат ва солиҳ амалларни қилишликдан тўхтаб қоламан», —деб дунёдан кетиши қийин бўлаётир, деб ўйлангизлар»; — деган эканлар.

Соҳиби китоб айтадиларки: «Агар ўзига тўқ яшаб келаётган замондошларингиздан қайси бирларини бирор марта закот ёки садақа берганини кўрмаган бўлсаларингиз: У одам закотларини маҳфий равишда адо этиб юрса керак», — деб ўйлангизлар».

Шу хусусда нақл қиладиларки, Ҳазрати Алининг набиралари Зайнул Обидин деган улуғ зотни ҳеч ким на закот берганини ва на бировларга ҳайру-садақа қилганларини кўрмаган экан. Ҳамма у кишини бахил деб аташар экан. Вафотларидан сўнг маълум бўлган эканки, Мадинадаги юзта оиланинг нафақасини махфий равишда ўзлари адо этиб юрар эканлар.

Бадгумонлик дилдан тилга чиқиши билан ғийбатга айланади. Ғийбат эса, гуноҳи кабиралардан. Қуръони каримда Ҳақ Таоло мўминларга хитоб қилиб айтадики: «Бир-бирингизни ғийбат қилмангизлар. Қайси бирингиз ўз биродарининг гўштини хомича егиси келади? Албатта буни ёқтирмайди. Демак ғийбатдан худди шундай ҳазар қилсин».

Жаноби Расулуллоҳнинг Ҳадиси шарифларидан маълум бўладиким, ғийбатнинг турлари кўп. Ким ҳақида гапираётган бўлсангиз, аввало, бир мулоҳаза қилиб кўринг. Агар шу гапираётган гапларингиз ўша одамнинг қулоғига етса хафа бўладиган бўлса, демак сиз ғийбат қилаётган бўласиз, гарчи сўзларингиз тўғри бўлса ҳам. Бировнинг насаби, фарзандлари, аҳлуаёл, ҳовли-жойи, юриш-туриши, кийим-боши, гап гапириши, табиати, дину-дунёга муносабати, маълумоти ва шунга ўхшаш хусусиятларни озгина бўлса ҳам камситиб, таъна ёки ҳасадомуз гапиришлик, ғийбат ҳукмида бўлишлиги китобларимизда таъкидланади.

Жаноби Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) бир ҳадисларида айтадиларки: **«Гумонсирашликдан сақланингизлар, зеро гумон ёлғон гапдан ёморатдир».**

Суфён ас-Саврий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтиб юрар эканларки: **«Шундай бир гуноҳ иш борки, унинг зарари заҳри қотилдан бадтар бўлса-да, инсон ўзи сезмай, унга қўл уриб қўяди. Бу бировнинг ғийбатини қилишликдир».**

Имом Байҳақий ўзларининг «Шуабул иймон» деган ҳадис китобларида баъзи саҳобаларнинг бир-бирларига қилган насиҳатларидан нақл қиладилар, чунончи: «Дўсту биродарларингизнинг қилаётган ишлари ва гапларини иложи борича яхшилик томонига таъвил қилишга ҳаракат қилингиз. Одамлар кўрса шубҳаланадиган жойлардан ўзингизни узоқ олиб юринг. Сирларингиз дилингизда бўлса, ихтиёрингиз қўлингизда бўлур. Ростгўйликка одат қилинг. Қасам ичишликдан сақланингиз. Гапирсангиз ҳар кимга эмас, диққат билан тингловчиларга гапиринг» ва ҳоказо.

Бу борада жаноби Расулуллоҳ тубандагича марҳамат қиладилар: «Учта ёмон ҳислат борки, улардан умматларимнинг қутилишлари жуда қийин:

1. Ирим ва шумланишлик одати.

2. Бировга ато этилган неъматга ҳасад қилишлик.

3. Бировлардан бадгумон бўлиш».

Шунда бир киши: «Ё, Расулуллоҳ, бу учта ёмон одатдан қандай қилиб қутулса бўлади?»— деб сўрайди.

Жавоб бериб айтадиларки: «Бировга билмай ҳасад қилиб қўйсанг, дарҳол тавба қилиб, истиғфор айтгил. Бировдан беихтиёр ёмон гумон қилиб қолсанг, шунга асосан иш тутмагин. Ирим қилиб, шумланадиган нарсаларга йўлиқиб қолсанг, парво қилмай ўтиб кетавер. Шундай қилсанг, улардан халос топасан», — деган эканлар.

Дарҳақиқат, ҳамма даврда ҳам бу каби салбий сифатлар ва жоҳилона одатлар, афсуски, халқ ичида мавжуд бўлиб келган. Бадгумонлик туфайли кўп кўнгилсиз воқеалар юз берган. Баъзи бир енгил табиат одамлар озгина шубҳа билан туппа-тузук обрўли кишиларнинг шаънларига доғлар туширгандар. Эшитган мишмиш гапларини сўраб-суриштирмасдан, достон қилиб, халқ ичига ёйишга уринадиган одамлар ҳануз йўқ эмас. Шариатимиз таълимотига қараганда, бу каби одатлар гуноҳи кабира ҳисобланади. Модомики: «Бировнинг бор айбларини ҳам яширишга ҳаракат қилинг», деб жаноби Пайғамбаримиз тавсия этган эканлар, биз—умматларга лозимки, барча ахлоқи ҳамидалар билан ўзимизни музайян қилиб, қабиҳ ва разил сифатлардан мусаффо бўлиб боришликка тавфиқу ҳидоят талабида бўлайлик.

Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло ўзининг фазлу карами ила эшитган ва билган фойдали сўзларимизга тўла амал қилиб боришликни барчаларимизга насибу рўзий айласин!

Ватанимизни самовий ва арозий офатлардан ўзи амонда сақлаб, халқимизнинг моддий ва руҳий бойлигини зиёда бўлиб боришлигини бардавом этсин!

• ФУТБОЛ •

«ПАХТАКОР»ДА БИРИНЧИ ЎЙИН

ЯКШАНБА куни республикамизнинг учта шаҳрида олий лига жамоалари майдонга тушишди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида асосий рақиблардан бири ҳисобланган Фарғонанинг «Нефтчи» клубини қабул қилди. Шуни таъкидлаш керакки, «Пахтакор» мураббийлари ўз сўзлари устидан чиқишди. Дастлабки иккки ўйинда жамоа болчилар — Миржалол Қотаркибида етакчи футсимов, Игорь Шквирин, Геннадий Денисов, Андрей Пятницкийлар қатнашмаган ва Россия жамоаларида тўп сура бошлагандилар. Бу футбол мухлисларини ҳам ташвишга қўйгани сир эмас.

Мураббийлар эса бунга жавобан «Улар «Пахтакор» таркибида хоҳлаган пайтда майдонга туша оладилар» деб мухлисларни тинчлантиришган эди. «Нефтчи» билан бўлган ўйинда Андрей Пятницкийдан ташқари барча етакчи футболчиларимиз майдонга тушишди...

Ўйин пахтакорчиларнинг устунлигида ўтган бўлса-да, фарғоналиклар ҳам бўш келишмади. Қарши ҳужумлар уюштириб, футболчиларимизни анча шошириб қўйишди. Бироқ... 30 минутда пахтакорчи Вели Қосумовнинг кучли зарбаси «Нефтчи» дарвозасини ишғол қилди. Иккинчи бўлимда фарғоналиклар ҳисобни тенглаштириш учун ҳаракат қилишди. Лекин... 78 минутда Велининг яна бир зарбаси дарвоза тўрига бориб тушди. Шундай қилиб «Пахтакор» ўзининг мавсумдаги иккинчи ғалабасини қўлга киритди.

Шу куни пойтахтимизнинг яна бир жамоаси «Пахтакор—79» ўз майдонида «Шаҳрихончи» футболчиларини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоаси «Орол» клубини Нукусда 2:0 ҳисобида ютди. «Наврўз» ва «Янгиер» жамоалари ўйини 2:1 ҳисобида якунланди. Қолган ўйинлар кеча бўлиб ўтди.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

ДИҚҚАТ!

«ТЎҚИМАЧИ» МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ МАРКАЗИДА

13 апрелдан 22 апрелгача соат 17.00 да

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВАКИЛАСИ ДИЛДОРА ЯҲЕЕВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Муолажаларини ўтказади

Беш маротаба муолажага қатнашиб, кайфиятингизни тиклайсиз, юқори нафас йўллари шамоллаши, қулоқ-бурун-томоқ хасталиклари, ошқозондаги яра, жигар, ўт пуфаги ва буйрақдаги тошлардан, аёллар бепуштлигидан, қон босимининг ошиши, бронхиал астма, аллергик касалликлардан, асаб ва қонтомир касал ликларидан халос бўласиз ва кўзларингиз равшанлашади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Бобур кўчаси, 45-уй. Тўқимачилар маданият саройи.

(7, 11, 40, 45, 67, 50, 77, 70, 97-автобуслар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар; 4, 7, 9, 28-трамвайларнинг «Фрунзе савдо маркази» бекати.

ТЕЛЕФОН: 53-36-65.

«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«Елдис-1200» мувозанатлаш дастгоҳи.

— Автомобиль кўтаргичлар.

— Компрессорлар.

— ва бошқа махсус автоускуналар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 118-уй.

ТЕЛЕФОН: 34-25-81.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: Г-18. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди — 21.30. 30579 нусха босилди.